



**ҚАНЧА ОЛИС  
КЕТСАНГИЗ ШУНЧА  
ЯҚИНСИЗ...**

**ЎҚИЯПСИЗМИ?**



**ХОРАЗМЛИК СИАМ  
ЭГИЗАКЛАРИ**

**ТУШИМДАГИ УЙ**



**Оила** 

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

**Жамият**

10 (904) сон

26 февраль — 4 март 2009 йил


Web-site: oilavajamiat.uz

**БАҲОР ЭЛЧИСИ**



Баланд-баланд тоғлар бағридаги тошларни ҳам писанд қилмай, музларни ёриб чиқаётган Бойчечакка ҳаваси келади, одамнинг. Қаранг, бу ҳам она табиатнинг бир мўъжизаси, кутлуг Баҳорнинг элчиси, муждаси эмасми?

*Ишоншиб, қишининг илиқ кунига,  
Баъзи бир дарахтлар куртак ёзбди.  
Айёр қиш ўраниб, баҳор тўнига,  
Соддалар остига чуқур қазибди.  
Бардошни йўқотмай, кутинглар бир пас,  
Баҳор ҳам келади, Баҳор алдамас!..*



**Ниятимиз: Илоё, қўша қаринг, эл-юртимизга муносиб оила бўлинг!**

Муҳаммад АМИН сурат-лавҳаси.

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**

Шайх Хованди Тохур — қандай маъноларни англатади? **5**

Эрининг қилган савобини аёли кўкка совурди **6**

Уни беш минг долларга **7** бир ҳиндга сотишган экан...

Бир эр-хотин 14 йилдан бери фарзанд кўришмаяпти. Кўйсиной опа эса... 12 йил деганда 2 ўғил, 1 қизли бўлди. **13**

Сен — сув бўлдинг, мен — олов... **14**

Ўғил кутгандик, қиз туғилди! **15**

**СОЧ СА(В)ДОСИ:**  
«узунлиги 40 см.дан кам бўлмаган табиий сочни 50 минг сўмга сотиб оламан...»  
Бу эълонни ўқиб, пул эвазига сочини сотадиганлар кимлигини билмоқчи бўлдим **16**

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Сарвари кишлоғида яшовчи Нозима Бафоева қурилиш ва маиший хизмат касб-хунар коллежини тугатганидан сўнг бир муддат иш тополмай, бекор юрди. Гиждувон туман бандлик-ка кўмаклашиш марказига келганида «Иш топа олармиканман?» деган ҳадик бор эди. Марказ мутахассислари уни аввал шу ерда ташкил қилинган тикувчилик ва зардўзлик курсига ўқишга жойлаб қўйдилар. 3 ой давомида стипендия олиб ўқиган Нозиманинг «Меҳр шарофати» хусусий фирмасига тикувчи бўлиб ишга жойлашишига марказ ходимлари ёрдам беришди...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Иш сўраб келганларни махсус курсларда ўқитиб, сўнг ишга жойлаштириш — марказнинг асосий вази-

фаларидан бири. Бу ерга мурожаат қилган бирор киши ноумид қайтмапти.

Ижтимоий химоя тadbирларининг доираси кенг. Шулардан бири фуқароларнинг ўз имкониятлари, қобилият ва мутахассисликлари бўйича ишга ўрнашиб олишларига кўмаклашиш саналади. Бунда меҳнат бозори ярмаркалари алоҳида ўрин тутди. Утган йили туманда тегишли ҳамкорлар билан биргаликда сажжиз марта ана шундай тadbир ўтказилди. Уларда иштирок этган 773 нафар фуқародан 357 нафари ишга жойлаштирилди. 435 нафарига эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Фуқароларни иш билан таъминлашда асосан касаначилик ва очилаётган кичик корхоналар бизга қўл келмоқда. Чунки, ўзи азалдан хунармандчилик

### ИЖТИМОЙ ХИМОЯ

ва тadbиркорлик билан шугулланган гиждувонликлар учун ишларни мана шу асосда ташкил қилиш қийин эмас, — дейди марказ директори Фарҳод БЎЛДИЕВ. — Тирикчилигини яхшилаш ниятида имкон излаётганларга ёрдам берамиз.

Ушбу марказ жорий йилдан тadbиркор аёлларга ёрдам бериш мақсадида «Ёрдамчи бекалар» ўқув курси ташкил қилишни режалаштирмоқда. Маълумки, тadbиркорлик фаолияти билан машғул аёллар уй юмушларини бажаришга улгурмасликлари мумкин. Шу боис мазкур ўқув курсида рўзгор ишларига ёрдамчи аёлларни тайёрлаш йўлга қўйилиши уларга қўл келади. Айтиш керакки, ўқув курсларини тугатиб, фаолият юритадиган бекалар учун меҳнат дафтарчаси ҳам юритилади.

Ўз мухбиримиз,  
Бухоро вилояти.



## ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

### GERMANIYADA DAVOLANIŞADI

Тошкент Халқаро аэропортидан бир гуруҳ болалар даволаниши учун Германияга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур хайрли иш ҳам таъминланган оилалардаги нуқсонли болаларнинг Германиядаги клиникаларда даволаниб қайтишини таъминламоқда.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, дунёдаги 35 дан ортиқ мамлакат билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ташкилотнинг асосий фаолияти ривожланаётган мамлакатлардаги 17 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни диагностика қилиш ва даволашдан иборат.

— Набирам Муҳидуллони Германияга даволаниб келиш учун жўнатяптимиз, — дейди Адолат Ёқубова. — У бир ярим ёшда куйиб қолган эди. Ҳозир тўрт ёшда. Болаларимиз учун шундай хайрли ишларга қўл ураётган барча ташкилот вакилларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Даволанишга юборилган болалар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида ўтказилган махсус кўрик асосида танланган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

### ЎТМИШ ВА БУГУН: АЁЛЛАР МАВҚЕИ

Республика Фанлар академиясининг Тарих институтида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг 2200 йиллик қутлуг тўйига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. «Тошкент шаҳри тарихида аёллар мавқеи» деб номланган ушбу тadbирда ўтмишнинг турли даврларида ўзига хос нуфузга эга бўлган кўхна Шошда маданий-маърифий соҳалар ривож ва тараққиётида алоҳида ўрин тутган хотин-қизлар хусусида сўз борди. Шунингдек, истиқлол йилларида ҳам бу аъёна узвий давом этаётгани ҳамда бугунги ижтимоий-маънавий юксалишлар замирида бевосита жамиятимизнинг фаол аёллари томонидан барча соҳаларда, шу жумладан, сиёсий жиҳатдан фаол бўлиш, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, оилани мустақамлаш, ёшлар тарбияси, тadbиркорликни ривожлантириш ва маҳалла-кўйларда ўзаро тотувлик ва аҳилликни кучайтириш борасида олиб борилаётган ибратли тadbирлар ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди.

Анжуманда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фариди Абдурахимова иштирок этди.

Лутфия СУЯРОВА,  
«Оила ва жамият» мухбири.

### КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

Тошкент Авиасозлик касб-хунар коллежида «Фарзандларимиз келажаги — эртанги юрт равнақи» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Ушбу тadbир Тошкент шаҳар Ўрта-махсус касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Илм масканига келган меҳмонлар ва ота-оналар дастлаб касб-хунар коллежининг консультатив маркази фаолияти билан танишдилар. Бу ерда ушш аппаратларини йиғиш, авиадвигателларни таъмирлаш, ҳаво кемаларининг авиа асбоблари, радио ва электр жиҳозларидан техник фойдаланиш, металл кесувчи дастгоҳлар, пайванд конструкциялар ишлаб чиқариш, компьютер ва компьютер тармоқларини қўллаш ва уларнинг дастурий таъминоти, бухгалтерия иши ва менежмент йўналишлари хусусида тўлиқ маълумот берилди.

Учрашувни коллеж директори Қобил Йўлдошев очиб, мазкур ўқув маскани ҳаёти, ўқув жараёни, тайёрланадиган гуруҳлар, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти билан йиғилганларни яқиндан таништирди. Шу билан бирга ота-оналар томонидан қабул имтиҳонлари ўтказилиши, битирувчиларнинг ишга жойлашуви билан боғлиқ саволларга жавоб берилди. Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мудири Абдуманнон Собиров, ташхис маркази раҳбари Татьяна Трофимова, психолог Мавлуда Шокирова ва йигит-қизларнинг касб танлашида ота-оналарнинг масъулияти муҳим эканлиги, айниқса, бу борада психологларнинг кўмағига эҳтиёж мавжудлиги ва ёшларнинг жамиятда ўз ўрнларини эгаллашида жамоатчилик бирдай масъул эканлигини таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз



Юртимизда минг шукрки, қутлуг байрамлар, қувончли кунлар кўп. Айниқса, қишнинг сўнгги оий бўлмиш февралдаги муборак саналар шуқуҳи аримай туриб, Баҳор насимлари яна ажиб айёмлар нафасини олиб келади. Албатта, ҳар бир байрамнинг ўзига хос таровати, завқи бор. Тошкент вилоятининг Бекобод туманида

ҳам ана шундай хайрли тadbирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани ибратлидир.

СУРАТДА: Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ибодат Ниёзова болалар шифокори Зулфия Йўлдошевани «Соғлиқни сақлаш аълоҳис» дея эътироф этилгани билан кутлаётир.

Турдиқул НОРМАТОВ олган сурат.

## «ОИЛА ДОРИЛФУНУНИ» САБОҚЛАРИ

Иш столим устида турган қалин жилдли папкани кўлимга олиб, варақлайман. Унда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қатор қарор ва фармонларнинг нусхалари жамланган. Уларнинг ҳар бири оила ҳаётини тартибга солувчи зарур ҳужжатлардир. ФХДБ бўлими мудирилари ишини йўлга қўйишда мазкур ҳужжатлар энг муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти. Биргина Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли Қарорига биноан Адлия вазирлиги ва республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда Никоҳ уйлари қошида «Оила дорилфунуни» деб номланган махсус ўқув ташкил этилганлиги айни мuddао бўлди.

Бизнинг Қизириқ туман ФХДБ бўлими қошида ҳам ушбу курс доимий равишда ишлаб турибди. Никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит-қизларни оийга 2 мартаба дарсларга тақлиф қиламиз. Етакчи психологлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, намунали оила эгалари томонидан олиб борилган сўхбатларда муваққил ҳаёт оstonасига қадам кўётган бўлажак келин-куёвларга назарий ва амалий ёрдам бераяпти. «Оила дорилфунуни»нинг ўқув-тарбиявий курси режаси 16 та мавзудан иборат

бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий онгини ўстиришга хизмат қилади. 2008 йилда 377 жуфт келин-куёвларимиз ушбу дарсларга қатнашиб, оилавий ҳаёт бўйича зарур билимларга эга бўлдилар.

Утган йил туманимизда ёруғ ниятлар билан 770 та янги оила қурилган эди. Ёшлар ўртасидаги никоҳлар тўла тиббий кўриқдан ўтилган ҳолда қайд этилди. Уларга оила маданияти, ҳуқуқий масалалар бўйича ҳам маслаҳатлар берилди. Бўлимимиз томонидан олиб борилган турли шакллардаги тушунтириш ишлари натижасида туманимизда оталикни белгилаш, ёлғиз она деган тушунчаларни аввалги йилларга нисбатан камайганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. 2009 йилда ҳам бундай хайрли ишларимизни изчиллик билан давом эттираяптимиз. Зеро, мусаффо ва осуда осмон остида яшаб, меҳнат қилмоқнинг ўзи ҳам бир бахт. Бу бахтнинг тўқис бўлмоғи учун ҳар биримиз ўз ҳуқуқий билимларимизни яхши билишимиз зарур.

Назираҳон ЧОРИЕВА,  
Қизириқ туман ФХДБ бўлими мудираси.

### БАХТ ОСТОНАСИ

Баҳор ҳавоси келиб қолгани боис кечагина халқимизнинг суюкли ва ардокли шоираси Зулфиянинг гузал ҳайкали қўйилган хиёбонга бордим. Юрагим даъвати, соғинч ҳаяжонлари, бурч масъулияти мени бу манзилга етаклади.

— Ассалом, устоз! — дея энтикиб, ҳайкал пойига гуллар қўйиб, кадрдон сиймога узоқ термуламан.

У киши ҳозиргина ўқиб бўлган китобини тиззасига қўйиб, ҳузурли хаёл оғушида миннатдор нигоҳи билан, зиёратга келган-кетганларни кузатиб ўтиргандек, гўё. «Ўқийтган ушбу китобим, Она халқим, азиз Ватаним ҳақида! Севгим, шеърларим, фарзандларим, Ҳамид Олимжонга садоқатим ҳақида...» деяётгандай. Ва ўша таниш, хиёл армонли овозда шеър ўқирди, шеър!

**Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,  
Ҳеч кимда кўрмайин, умримга ўхшаш.**

**Севдим.**

**Эркаландим.**

**Айрилдим.**

**Кўйдим.**

**Иzzат нима, билдим.**

**Шу-да, бир яшаш!**

Муаззам ҳайкал пойига битилган ва шоира Зулфия ҳаётининг, тақдирининг, сабот-матонати-ю шукронасининг мадҳиясига айланган бу дил изҳорини бир мен эмас, бу майдондан ўтиб бораётган ҳар бир инсон атай, тўхтаб... ўқирди, тингларди ва тан берарди: «Ҳақиқатан ҳам шу-да, бир яшаш!».

«Саодат» журналида ишлаган йилларимиз Зулфия опа ҳар куни эрталаб тахририятга хуш кайфиятда, тетик одимлар билан кириб келарди. Бирдан атроф нурга, зиёга тўлгандай бўларди. Опанинг сийрати сувратига мувофиқ эди.

Устоз ҳар кунги одатига кўра, кўзларида меҳр тошиб, худди онадек суюб, ҳаммамизни бирма-бир қучиб, бағрига босиб кўришарди. Боламиз, умр йўлдошимиз, соғлиғимиз ҳақида билгач, кўнгли тинчиб, «жуда аяси!» деганча ўз хонасига йўл оларди...

Биз... бир даста қилиб, уйларига олиб кетган кўлэзма ва ўнлаб муаллифларнинг асарлари устозга маъқул бўлган ё бўлмаганини талабчан нигоҳларидан билиб олардик. Шеър ёзиб тонг оттиргандини, баъзан кимнингдир ноҳақ сўзидан, дил оғриғида бедор бўлганини ўйчан кўзлари айтиб турарди.

Кўпинча шодмон кайфиятда, кўтаринки руҳда келарди-ю, ҳаммамизни икки қанотига олиб, «юринлар, янги шеър ёздим!» дея эҳтирос билан шеър ўқирди. Хали сиёҳи қуримаган бу битик ҳақида ҳаммининг фикримизни билгиси ва шу баҳона ўзидеги завқ-шавқни, тоза илҳомни бизларга ҳам юқтиргиси келарди. Опанинг вафо, садокат, поклик, эътиқод, одамийлик хислатларини тараннум этувчи ҳароратли шеърларининг яралишига шу тариха гувоҳ бўлардик. Шоир Эркин Воҳидов таърифлаганидек, «теранлик сабоғини ўрганар эдик». Шоиранинг сўз гавҳарларида ёнган жилвалар, янги ранглар юракларимизда чўгдек ловуларди. Ва ҳадемай устоздан юққан шижоат, гайрат билан ишга киришиб кетардик.

Бош муҳаррирнинг жиддий мажлислари

1 март — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллуд топган кун

# ҚАНЧА ОЛИС КЕТСАНГИЗ ШУНЧА ЯҚИНСИЗ...



маънолар, фикрлар, ғоялар баҳсига айланарди. Ҳар биримизнинг фикримизни тинглай биларди. Ҳурматларини қабул қиларди. Чет эл сафарларидан қайтганларида ҳар бир ходимга атаб олиб келган мўъжаз соғваларини тақаллуф билан улашиб, кейин кўрган-кечирган бир дунё таассуротларини тўлқинланиб гапириб берарди...

Зулфия опа билан катта-катта давраларга, учрашувларга борганимизни ҳали ҳануз ифтихор билан эслаймиз. Атоқли шоирани кўриб, лиқ тўла залга симмаган ҳаяжонлар тўлқини қалқиб кетарди. Айниқса, Зулфия каби шоира бўлиш орзусида ёнган қизларнинг кўзлари юлдуздек чакнаганини кўрардик. Опа минбарга чиқиб сўзласа, шеър ўқий бошласа, бутун залдагилар нафас олмай тингларди.

Энг қизиқи, хали-хали мени қаттиқ ҳаяжонга солгувчи ажойиб бир одатлари бор эди. Ўзлари уч-тўртта шеър ўқигач, ёнларига, эндигина бир-икки машқи билан танила бошлаган шоира қизларни таклиф этар, эл олдида уларнинг пешонасидан ўпиб, ўзига берилган гулларни ҳам уларга улашарди. Ва шеърларидан танлаб-танлаб «Саодат»га олиб боришларини таклиф қиларди. Эҳ-ҳе, Зулфия опа қанчалаб шоираларни кашф қилмади,

дейсиз. Мана бугун энди унинг кутлуғ номи билан аталган махсус Давлат мукофоти сазовор бўлган «Зулфия қизлари» турли соҳаларда ўз иқтидорларини намоян этишмоқда.

Зулфия опа табиятан риёдан, таъмадан, майда-чуйда гаплару зебу зардан баланд яшади. Инсонни, унинг ҳалол меҳнатини улуғлади. Қўл учида ишлагани, сусткашликни, лоқайдликни кўрганида чидаб туролмасди.

— Юракдаги ўтти аланга олдингиз. Қучли интилиш билан ишланг. Сўз изланг, маъно изланг, топасиз. Бунинг учун ўқинг. Ҳар куни ўқинг. Жойларга борганда ҳаётни пухта, синчковлик билан ўрганинг. Бир пиёла чойини ҳам ўйлаб ичинг, — дея ўқитарди.

Зулфия опа бу гапларни ҳар биримизни хоналарига битта-битта чорлаб, кўзларимизга қараб, оналарча куюнчақлик билан айтарди. Ҳаттич беш йил «Саодат»га муҳаррир бўлган устоз республикамиздаги барча таниқли ижодкорларни, олим муфаззаларни бу кутлуғ минбардан туриб, ўзбек аёлига хос муносиб сўз айтишга, ижодларининг энг сара тўхталарини бағишлагига даъват эта билди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёш эканман-да, шанба-якшанбада тоғамники-

да тўй бўлиб, келин тушди. Сешанбада «Чарлар»и эди. Шу кунни тушгача барча юмушимни битириб қўйдиму, устоз ҳузурига кириб, жавоб сўрадим.

Зулфия опа худди имтиҳон олаётган муаллимадек кўзларимга ўйчан тикилиб, сокин овозда:

— Сиз... ишлайдиган аёлсиз, Санъатхон! Журнал учун ҳар лаҳзада кераксиз, ҳар лаҳзада! «Чарлар»га эса уйда ўтириб зериккан аёллар бора қолсин. Қолаверса, ҳар қандай яхши тадбирлар учун шанба, якшанба кунлари бор. Сиз — яна таъкидлайман: ишли аёлсиз, — дедилар. Шушу бўлди-ю, бу ҳол қайта такрорланмади.

Уэр, хаёллар, хотиралар билан чалғибман. Яна узукка қадалган кўздай танланган гавжум хиёбонга қайтаман.

... Вақт туш пайтига етиб, кўёш юқорига кўтарилди. Кўёшнинг заррин нурларидан шоиранинг пешонаси ярқираб кетди. Шу чоғда хаёлимда шоиранинг «Манглаймга ой нури тушди», деб номланган шеъри жонланди. «Нур деб туғилганман, нурга тўймайман... Манглаймдан сирғалмагин, ой...» деб илтижо билан ёнган эди, шоира. Кўнглим тўридан бир нидо, ҳайқирик садо беради:

Сиз... нурга чўлганиб яшадигиз, устоз! Мана, яна олам-олам нур, кўёш, ҳаво, ёруғлик, атрофингиздан ўтаётган одамларнинг меҳри, чексиз эҳтироми сизга аталган! Сиз ўзингиз туғилиб ўсган, севган, ардоқлаган шеърларингизда мадҳ этган Ватанда, абадий яшасиз!

Сиз табиатнинг хуш соатларида, баҳор билан баробар туғилган, баҳордек суюкли, ардокли бўлиш бахтига эришган аллома аёлсиз. Сиз, «Келдингиз-ей Истиклол, Истиклол бўлиб, қалбимга насиминг билан ойул солдинг!» — дея Хурриятни қучоқ олиб, аёлга айтиб, қутиб олган, Нодира-ю Увайсий, Анбар отинлар учун ҳам ўзлигини намоян эта билган журъатли, бахтли ижодкор эдингиз!..

...Зулфия хиёбонига бир гуруҳ қизлар кириб келишди. Шодон кўлгуси бирам ярашган, кўзлари чакнаган, 17-18 ёшли қизлар! Улар ҳайкал пойига қатор тизилишди. Қизлардан бири чакқон ўртага чиқди-ю дугоналарини сувратга муҳрлади. Улар нақадар бахтиёр эдилар.

Ҳайкал пойидаги ўша шеърини жўр бўлиб қайта-қайта такрорлардилар. **«Шу-да бир яшаш! Шу-да бир яшаш!»**.

Биламан, буюк истиқлол тенгдошлари бўлиши бу қизлар орасидан ҳам ҳадемай Зулфиялар етишиб чиқади. «Зулфия қизлари» камолга етади. Ҳа, йиллар қанча олис кетса, сиз ва сизнинг шеърларингиз соғинган қалбларга шунча яқин бўлаверади...

Санъат МАҲМУДАВА

## ҲУРМАТУ ИZZАТ ТОПДИМ

Ҳар йили баҳор келди, дегунча табриклар ёғилади. Энг аввало, биз аёлларнинг кутлуғ байрамимиз — 8 март, қолаверса, Йилбошининг ташири бир дунё қувончларни бошлаб келади. Ёшим 85 да. Бир умр «муаллима опа» бўлганимдан фахрланаман. Шундай кунларда беихтиёр альбомларни варақлаб, ҳаётда ўз йўлини топиб, эл қорига яраётган шогирдларимнинг ўқувчилик пайтларини эсламан. Улар мисоли оппоқ қоғоз эди. Бу қоғозга аризулик нарса ёзиш учун ўзим аризулик бўлишим керак, деган шир қалбимни нурлантириб турарди. Тинмай ўқиб, ўрганиб ўз устимда ишладим. Бир умр ёш дўстларимнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим.

Бугун ўқув қўлланмаларни, мактаб, лицей, коллежлардаги шарт-шароитни кўриб, ҳавасим келади. Ох, бизнинг давримизда бундай таълим масканларини орзу ҳам

қилолмасдик. Ўқувчиларим совуқда қотиб, пероли ручкани ушлолмаса, қўлларини пуфпуфлаб иштардим. Ковушчаларининг ичига солиш учун эски-туски кийимлардан паттак тикиб берардим. Кўзлари жовдираган болажонларим билимга бирам чакқоқ эди. Бу кун улар бир оиланинг бек-бекалари, давримизнинг ишончли одамлари.


Фарзандларим ҳам изимдан кетди. Ўқитувчилар сулоласига айландик. Камтарона меҳнатим қадр топиб, «Жасорат» медали ва бир қанча мукофотлар соҳибаси бўлдим. Илоҳим, ҳаммиша юртимиз обод, кўнгиларимиз шод бўлсин.

Ҳайниҳамол АБДУЛЛА қизи,  
Тошкент шаҳридаги  
201-мактабнинг собиқ ўқитувачиси



ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

Илмнинг офати уни унутиш, хоҳламаган одамга ўргатиш уни зое қилишдир.



Аслини олиб қараганда, дунёдаги мутолаа инқирози, ҳозир миллионларнинг бошини қотираётган иқтисодий инқироздан кам аҳамият касб этмайди, десак балки муболага бўлмас. Очиги, бизнинг ушбу мавзу ҳақида сўз юришимизга рус журналисти ва таҳлилчиси Светлана СЕМЁНОВАнинг интернет орқали эълон қилинган «Китоб ўқиш урфдан қолмокдами?» деган мақоласи сабаб бўлди.

«Утган қарийб йигирма йиллик тарихни оладиган бўлсак, биз россияликларнинг аксарият қисми учун бу давр, ўтиш йиллари, яшаш учун кураш йиллари бўлди, — деб ёзади муаллиф. — Бу йиллар ичида бировнинг ўқиш ҳақида бош қотиришга вақти ҳам бўлгани йўқ. Бирок, ўн йилдан ошди, ижтимоий марказ ходимлари, кутубхоначилар, муаллимлар, маданият соҳаси кишилари жамиятда мутолаа инқирози кечаётганини, буни ҳар қандай йўл билан бўлса-да, бартафари этиш зарурати ҳақида бонг урмоқдалар. Мутолаани кучайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Ҳа, биз фуқаролари ўқийдиган мамлакатлар қаторига кирдик, деб айта олмаيمиз».

Ўқиш деганда биз нимани тушунамиз? Мисол учун, муштарий бу борада қандай фикрга эга? У бугун, кеча ёки шу ҳафта ичида нималарни ўқиди? Балки қундалик газеталарни мунтазам кузатиб қолар, балки унинг доимий янгилиниб турадиган ўз шахсий, оилавий кутубхонаси ҳам бордир? Қаниди?

вомли асарларни мутолаа қилишга рағбат борлиги ва вақтини қизғанаётганидир! Лекин афсуски, касбимиз нуқтаи назаридангина эмас, балки ўз диду савиямизни мунтазам чархлаб туриш учун ҳеч бўлмаса икки соатгина фурсатни ўқишга сарфлай олмасак, бу биз учун (ким-лигимиздан қатъий назар) кечириб бўлмас ҳолдир.

Ўқиш муаммоси ҳақидаги юқоридagi мақолани таҳлил қилар экан, журналист ўз мамлакатидagi айрим масалалар мисолида хулосалар чиқаради. «Бу муаммо, айниқса, ўсиб келаётган авлод учун жиддийдир. Оқибатлар кўришиб турибди: олий ўқув юр்தларининг биринчи босқич талабаларига мактаб дарсликлари материалларини қайта ўқитишга тўри келаётир, чунки мактабни битирувчиларнинг билими жуда паст савияга тушиб кетган. Бунинг устига болалар таҳлил, мухоама қилиш ва фикрлашга ожиз».

Биз катта ёшдагилар болалигимиздаги турли яхши анъана ва одатларни унутмаганмиз, албат-

қолада келтирилишича, ўтказилган сўровлар натижасига кўра, унда қатнашганларнинг 17 фоизи китоб ўқишни қизиқарли машғулот сифатида эътироф этган ҳолос, ярмидан кўпроги интернет, мусика ва афсуски, сифат ва савияси юқори бўлмаган турли олди-қочди телекурсувларга қизиқишларини билдиришган. Зиёлилар нима учун жар солаётганларини энди аниқлаб беришимиз керакми?

Ўзбекистонда ахборот ресурс марказларининг ташкил этилганлиги, ҳозирги кунда кутубхоналар фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилиб, улардаги ахборот манбаларидан бир пайтнинг ўзида мамлакатимизнинг исталган ҳудудидagi ўқувчи фойдаланиши мумкинлиги таълим соҳасида келажакни ўйлаб олиб борилаётган изчил сиёсатдан далолат беради. Мамлакатимизда яратилган имконият ва шароитлар ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Мен бу борада фуқаролар, яъни сизу биз, ота-оналар, зиёлиларнинг масъули-

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

кутубхонасини зарур китоблар, янги асарлар билан доимий таъминлаб, янгилаб туриши қийин, албатта. Бирок бундай юкни давлат ўз зиммасига олиб, ана шу шароитни таъминлаб қўйган экан, бундан оқилона, самарали фойдаланиш нафақат фарзандимиз ёки ўзимизга, бу жамиятга, мамлакатимизнинг келажиги учун зарурдир.

Бу мулоҳазаларни қоғозга туширишганимиз, ана ўша мақоладаги айрим фикрлар ҳаёлимиздан кетмайди. Мақолада муаллиф бизга, Ўзбекистонда аллақачон яратиб қўйилган шароитларни ўзларининг кун тартибига энди олиб чиқаётганига гувоҳ бўламиз.

«Бу ўринда мактаб кутубхонаси бош манзил бўлиши керак. Чунки бола кўп вақтини мактабда ўтказди. Доимий янгилиниб туриладиган кутубхона, энг яхши интернет ресурслардан маълумотлар олиш имкониятининг яра-

Ў Қ И Я П С И З М И ?

Биласизми, дунё яралганидан буён тарихда из қолдирган улуғлар, доғишмандлар ёки саркарда-ю жаҳонгирлар борки, улар кучли билим, салоҳият, юксак ирода, миллий гурур, ва албатта келажакни кўра билиш каби кўплаб хислатларга эга бўлганлар. Бир сўз билан айтганда, улар ўқимишли бўлишган. Шу маънода ўқиш масаласи бу нафақат қундалик ахборотлардан бохабарлик ёки мактаб ва олий ўқув юртида берилган адабиётларни варақлаб қўйиш, балки тарихни ўқиш, фан билан изчил шўғулланиш, сиёсатни таҳлил қила билиш даражасида, ўз соҳасининг ҳар томонлама билимдони бўлиш баробарида ўш, қолаверса, бадиий адабиёт ўқишни англаштиши керак. Ҳўш, унда сиз ва биз ўзимизга савол бериб кўрайлик-чи: Ў Қ И Я П С И З М И ?

Мисол учун ўзимдан қийёс: турли қундалик ё ҳафталик нашрларга бир кур назар ташлашга зўрға ҳафсала қиламан. Шундаям хизмат тақозоси боис, кутубхонага қираман-да, бу мўътабар даргоҳнинг уч-тўрт доимий миждозларига кўзим тушади. Касб-соҳалари турлича бўлган бу кишилар орасида мени қувонтиргани уларда эринмай бадиий китоб ва журналлардаги да-



та. Эсингизда бўлса: «Энг яхши совға — Китоб», деган шиор бўларди. Афсуски, бу ҳозир ўз кучида қолган, деб олмаимиз. Ҳаётнинг, турмуш тарзимизнинг ўзгараётгани, қолаверса, ахборот ва телекоммуникация тармоқларининг кескин ривожланиши ҳам бунга сабаб бўлса, эҳтимол. Турисини айтганда, ҳозир болаларнинг туғилган кунига китоб совға қилсангиз у хурсанд бўлади, деб айтиш қийин, чунки унга компьютер ўйинлари кўпроқ қизиқарли. Бу бор гап. Мисол учун биз таъкидлаган ма-

ятни қанчалик ҳис қилишимизга кўп нарса боғлиқ эканини таъкидлашни истар эдим. Ҳўш, фарзандимиз билим даргоҳидан нима билан қайтпти, бугун қандай китобни ўқибди, нимани англабди, ҳеч қизиқиб кўряпмизми? Ўзимиз кўриб, билиб турган кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари имкониятларидан нечоғли фойдаланяпмиз? — деб ўзимизга савол бериб кўрайлик-чи?

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир оила ўз кутубхонасига эга бўлиши, оилавий

тилиши болаларда қизиқиш уйғотмай қўймайди, албатта. Агарда Россия кутубхоначиларининг президенти Жукованинг фикрларига қўлоқ тутсангиз, мутлақо ачинарли аҳволга дуч келасиз, фондлар эскирган, китоблар ададлари жуда кам, ресурслар етишмайди.»

Мазкур мақола орқали дунёда салоҳияти нуқтаи назаридан катта бир мамлакатдаги вазият, бунда тақлиф қилинаётган гоё ва масалаларни Ўзбекистондаги таълим соҳасидаги жараёнлар билан таққосладим. Ва юқорида ўзимга ўзим берган саволни юртдошларга ҳам бермоқчи бўлганим, уларни ҳам шу борада фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ва энг муҳими, мавжуд шароитлардан фойдаланишга даъват этишга ўндади.

**Дарҳақиқат, бугунги ҳақиқат шундайки, эртанги кун дунёни табиий бойликлар эмас, балки инсоннинг интеллектуал салоҳияти, унинг илмий кашфиётлари, донолиги ва иқтидори қутқаради, тараққий эттиради. Шундай экан, эртанги истиқбол учун ҳар биримиз хисса қўшишга масъулмиз, бу ҳар бир фуқаронинг виждон амри ва жамиятдаги бурчига айланмоғи зарур.**

Ҳусан ЭРМУҲАММАД, журналист.

Газетамизнинг янги йил сонидан бошлаб қийиниш одоби ҳақида М.Улуғованинг «Баҳор гулзорини қор босмасин» (№1-сон), таниқли олим Убайдулла Уватовнинг «Либослар — ўзлик кўзгуси» (№3-4-сон), Шайх Абдулазиз Мансурнинг «Қийиниш ҳам одоб, ҳам ахлоқ» (№5-сон) каби мақолаларини ўқиб чиқдим. Домла Уватов: «...қадимдан инсон қайси миллатга мансуб эканини, биринчи навбатда, уларнинг қийимига қараб ажратилган», деб ёзса, шайх Абдулазиз Мансур: «...ғарбдан келаётган йиртик-ямоқ, беҳаё қийимлар ҳам, очигини айтганда, бизга бегона», деб биз кексаларнинг дилимиздагиларини очикчасига баён қилибди.

Дарвоқе, биргина никоҳ тўйлариди қизларимизнинг қийган қийимларини олиб қарайлик. Юқори қисми 2 тағина боғич-

НИКОҲ ҚЎЙЛАКЛАРИ: МИЛЛИЙЛИК АКС ЭТСА...

дан иборат бўлган «фата»ларни қийган қизларимиз юзлаб номаҳрам нигоҳлар олдига ярим-яланғоч ҳолатда кувё тура билан ҳаёт оstonасига биринчи қадамни қўйиб келишади. Ота-оналар келинлар учун йиллаб йиққан ўзбекона миллий қийимлар бир четда қолиб кетади. Келинпошшанинг эғнида «француз фатаси». Аммо улар, дунё статистикасида Франциядаги ҳар 3 оиладан биттаси бу фатани яна иккинчи марта қийиши тўрсида маълумот берилганини билишармикан?

Ахир, чет эл фаталарини эмас, дунёда ўзбек деган миллатнинг никоҳ тўйларида қияди-



ган қийимларини реклама қиладиган пайт аллақачон келганини нахота англаш мушкул бўлса?

Қадимдан миллатимизда шундай бир удум бор эди. Ҳар бир оилада узатиладиган қизга оппоқ матодан никоҳ тўйида қийиладиган қўйлак тикиларди. У муқаддас ҳисобланиб, ҳар бир келин-қачнинг шахсий мулки саналиб, уни эғнига олишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эди.

Бугунги кунда эса, ойдаги қизларимиз ғарбнинг ярим-яланғоч фатасини «прокат»га олиб, қийишмоқда. Гигиеник жиҳатдан, уни эғнига олишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эди.

АКС-САДО

фаталар шу даражада урфга айлангани оқибатда ёшларимизни бу йўлдан қайтариш мушкул бўлиб қолди.

Шу ўринда дизайнер ва моделерларга бир тақлими бор: Турли-туман кийим кечакларни ўйлаб чиқарадиган ва уни урфга киритган чеварларимиз нахотки ўзбекона никоҳ қўйлагини тика олмас!

Истардикки, муқаддас никоҳ қўйлагининг ўзбекона тури бўйича моделерлар ўртасида қўриқтанлов ўтказилса. Либос оқ матодан тикилиб, унда ҳам миллийлик, ҳам замонавийлик уйғунлашса, ҳар бир келинчақ ўзининг шахсий никоҳ қўйлагига эга бўлса айна муддао бўларди.

Саодат РАҲМАТОВА, Навоий вилояти.





**Кўп марта эшитганимиз учунми, кўча-кўйда кимнингдир машинасидан бирор буюм ёки нарса ўғирланса, ажабланмаймиз ва бу ҳолатни табиий, деб қабул қилишга кўникканмиз. Лекин содир этилган ана шу ўғирликнинг ортида қандай жиноят аломатлари ётгани ва уни амалга оширганлар фаолияти обдон таҳлил этилса, энг аввало, ОИЛА МУҲИТИДА ТАРБИЯНИНГ ўрни қай даражада эканлиги аён бўлади.**

...Дилшод 24, Жамол эса 18 ёшга ҳам етмаган. Иккаласи ҳам ўғирликни "қасб" қилиб олганига анча бўлган. Негаки, бундан бир йил аввал ҳам Дилшодга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-моддаси, 2-қисми "В" банди, Жамолга эса Жино-

куни купла-кундуз яъни пешин маҳали "Жигули" русумли машинанинг чап томон олд эшигини махсус бурагич (отвертка) ёрдамида очиб, 150 минг сўмлик "JVC" маркали кассетали магнитофонни, балон бурайдиган калит ва майда пуллари олиб

**✓ ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ**

оддийгина — бурагич (отвертка) ва шашлик пиширадиган оддий сичқалар. Улар сал кам бир ой давомида ўнлаб турли русулардаги автоуловларни тунаб кетганликлари аниқланди. Ажабланарли жиҳати, ўғирланган магнитофонларни турли жойларда дуч келган одамларга арзон-гаровга бериб кетаётганларида ҳам бирорта одам "қани, менга буларнинг дафтэрчаларини ҳам бер-чи, намунча пули арзон оғайни, мабодо ўғирланган эмасми?"— дея сўраб суриштирмаганликларини қандай изоҳлашни билмайсан киши. "Қоч-

**Н**одира узок сафар давомида ўзини «жоним қизим»лаб

келган Раёно опани танибмай қолди. Эндигина 17 баҳорни қаршилаган, ишлаб кўп даромад топиш илн-жида бегона юрт — Жанубий Кореянинг кичик бир шаҳарчасига келиб қолган киз кейинги тақдир шуде-натсиз аёлнинг қўлида эканлигини кен англаб етди. Ёждувон бозорида танишгани — уни хорижда ишга жойлаштиришни ваъда берган Раёно опага эргашиб, хато қилганини тушунди. Уни алдаб, Кореяга олиб келган аёл 5 минг АҚШ долларига ҳиндистонлик йигитга сотиб юборди...

Эртасига бу тутқунликдан қандай қутулиш йўлини ўйлаб ўтирган Нодиранинг кўнгли бирдан ёришиб кетди. Ахир қўшнилари Ўктам ака 3 йилдан бери Кореяда ишлайди, телефон рақамларини ҳар эҳтимолга қарши унинг уйдагиларидан ёзиб олган эди. Ҳиндистонлик йигитнинг қўл телефонини амаллаб олиб қолган Нодира у ишга кетгач, йиғлаганча Ўктам акага кўнгириқ қилди. Вазиятни тушунтирди. Паспорти Раёно опанинг қўлида қолганлиги муаммо туғдирди. Лекин элчихонадагилар аралашгач, юртига қайтди...

— Афсуски, кўп пул топиш мақсадида хорижга ноқонуний йўллар билан бориб қолган аёллар, ёш қизлар билан бундай алданишлар тез-тез юз беради, — дейди вилоят «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маъ-

# МАШИНА КАЛИТИ ЧЎНТАКЛАРИДА ЭДИ...



ят Кодексининг 169-моддаси, 3-қисми "А" банди, 227-модданинг 2-қисми "А" банди асосида бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Ўтган йил январда Олий Мажлис Сенатининг "Амнистия тўғрисида" ги Қарори 2-моддасига биноан жазони ўташдан озод қилинган. Афсуски, улар ўзларига берилган жазодан ҳам, имкониятдан ҳам тўғри хулоса чиқаришмади. "Ўрганган кўнгли ўртанса кўймас", деганлари рост экан.

Янги йилнинг биринчи ҳафтаси эди. Дилшод Жамолларникида бир неча кун яшаб юрди. Ота-онаси ҳам Дилшоддан "ўртоғининг уйда тинчликмикин ишқилиб?", деб сўрашга ботинишолмади. Ҳа, энди иккаласи ёшлигидан жуда қалин оғайнлиги учун келгандир-да, деган хаёлга борганликлари охир-оқибат улар учун ниҳоятда қимматга тушлишини билишмасди. Хуллас, Дилшод уйига кетиб, бир-икки кун кўринмай қолди. Жамол уни кечкурун компьютерхонада ўйин билан машғул бўлган пайтда кўриб қолди-да, кўярда кўймай яна уйларига олиб келди. Уша тунда иккиси "режа" тузишиб, эртаси кунийк "фаолият"ларини бошлаб юборишди. Шу

кетди. Бу ҳам етмагандек, шу кўннинг ўзида "BA3-2101" уловининг ҳам ичидан "LADA" русумли 75 миңг сўм турадиган магнитофонни ҳам ўмариб, жуфтакни ростлаб қолишди.

Энг қизиги, Дилшодга шерикчилик қилган Жамол бу қингир ишга қўл урганида ҳали вояга етмаган ёшда эди. Дилшод-ку бу борада анча устамон ва "тажрибалирок" эди. Кўпинча ёшлигини ҳисобга олиб, уни қорро-вулликка қўйиб, ўзи машиналарни тунашга тушарди. Ўғирланган нарса-ларини ҳам уйларига олиб бормай, танишларига "сув текин"га беришар, орттирган пуллари кайфу сафога сарфлаб юборишарди. Улушни "арра" қилишга келганда ҳам Дилшод ўзига кўпрогини олишга уринарди.

Яна бир қизиқ ҳолат шуки, суд жараёнида жабрланувчи сифатида қатнашган ҳайдовчиларнинг аксарияти "ахир машинанинг калити чўнтагимда эди-ку! Бу зангарлар қандай қилиб шундай мустаҳкам кулфларни очишди экан-а?"—дея ҳайрон бўлишарди.

Ўзларининг икром бўлиб айтишларича, улар учун исталган машинани очиш ҳеч қандай муаммо туғдирмас экан. "Иш қуроллари" ҳам

ган ҳам, қувган ҳам худойим"—дер экан, деганларидек, ўғрилар "хари-дор" топилагандан, олувчи эса бу арзон молни арзимас пулга олаётганидан хурсанд.

Лекин «кўза қунда эмас, қунида синди», деганлари рост чиқди. Фарзандларининг "ўғри" деган тамга остида қамоққа олинганида уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳам ёқаларини ушлаб қолишди. Бу пайтда афсуски, ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ унутилган, тавба-тазарруларга ўрин қолмаган эди. Дилшод ҳам, Жамол ҳам ўз қилмишларига яраша жазо олишларини тушуниб, ўғирликнинг катта-кичиги бўлмаслигини англаб етандилар.

ХУКМ ўқилди: Жонгўраев Дилшод Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддаси 3-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан узил-кесил ўташ-лик учун 6 йилу олти ой, Жамол Эргашев ҳам худди шу моддалар билан айбланиб, 4 йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди!

Суд залидан чиқиб кетаётганларни кузатамиз. Биров "эссиз, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар экан-а, нима қилишарди жиноятга қўл уриб, ундан кўра, бирор хўнар-ни эгаллаб, тинчгина яшаб юришса, бўларди-ку", дея афсус чекса, яна кимдир: "Эҳ, энди кимга қўйин, ота-онасига-да, улар маҳалла-кўйда қандай қилиб бош кўтариб юришарди? Илоё, ҳеч кимнинг боласи ўз пада-ри бузруквори ва волидаи муқтарамасининг бошини ҳам, кўз ёшини тўкишга мажбур қилмасин-да!",—дея бир-бирига шивирлаб кўярди...

**Рустам САИДОВ, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани прокурори ёрдамчиси.**

(Мақола қаҳрамонларининг исм-шарифлари ўзгартирилган)

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛСАНГИЗ

Ҳаётимизнинг турли соҳаларида бўлгани каби республика Адлия вазирлиги тизимидаги барча ҳуқуқий идораларда ҳам энг аввало ҳуқуқий маданиятни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ибратлидир. Шу маънода яқинда вазирлик ташаббуси билан Тошкент вилоят адлия бошқармасида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Ушбу мулоқотни уюштиришдан кўзланган асосий мақсад — энг аввало мамлакатимизда қабул қилинаёт-

ган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВ орқали кенг тарғиб этиш орқали одамларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари



**✓ АНЖУМАН**

Тўрабек Тўраев, Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи Лазиз Мусоайхова ҳамда пойтахт вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар органлари вакиллари, Суд департаменти, нотариат ва ФХД, адвокатура йўналишида хизмат қилаётган мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашдилар.

**Турдибек НОРМАТОВ, "Оила ва жамият" мухбири.**

СУРАТДА ушбу матбуот анжуманидан лавҳа акс этган.

# ВИЖДОН ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

рифий маркази раҳбари Абера Хусейнова. — Одам савдоси билан шуғулланадиганлар қўлига айрим ҳолларда эндигина 9-синфини тугатган қизлар ҳам тушиб қолишяпти. Бундай воқеаларнинг содир бўлишида албатта, тарбия масаласига бефарқ қараган, фарзандлари назоратини қўлдан чиқариб юборган айрим ота-оналарнинг айби катта. Ёш қизларнинг ҳали оқ-қорани яхши танимаслиги, ҳаётий тажрибаси камлиги, фарибгар одамфурушларга қўл келади...

Газетхонада юртдошини хорижга олиб кетиб пуллайдиган қабих кимсалар жазосиз қолаверадими, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, қонунчилигимизда одам савдосининг турли кўринишлари билан шуғулланувчиларга жавобгарлик рақад тутилган. Лекин давр бундай жирканч ишга қўл урадиган шахсларга қарши қатъий кураш олиб бориш лозимлигини тақозо этди. 2008 йилнинг 27 мартда мамлакатимиз Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган ва 17 апрелдан қўчга қирган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу одам савдосига чек қўйишга қаратилган муҳим ҳужжат саналади. Унда одам савдосига қарши курашишдаги асосий принципларга, бу савдодан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни химоялашга, жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга, тегишли давлат органларининг ваколатларига катта аҳамият берилган. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

«Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маърифий маркази қонунга хилоф равишда, чет элга олиб кетилган фуқаролар кўнчилигини ташкил этадиган аёлларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимизга қайтаришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, жорий йилнинг дастлабки уч ойида бир неча аёл Бирлашган Араб Амирликлари ва Қозғизстондан олиб келинди. Уларга тегишли руҳий ва реабилитацион ёрдам кўрсатилди. Айрим аёлларга махсус ўқув курсларида ўқишлари, ишга жойлаштирилиши ва оилалари бағрига қайтишлари кўмаклашилди. Аёллар одам савдоси билан машғул шахслар қўлига тушиб қолмасликларига, «олтин тоғлар» ваъдаларига ўчмай, хушёрроқ бўлишлари уларнинг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ. «Истиқболли авлод», «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ана шу масалага кўпроқ эътибор берилляпти.

**Моҳиғул НАЗАРОВА — шоира, журналист, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда ёзган долзарб, таҳлилий мақолалари республика нашрларида мунтазам чоп этилади. Эндликда у газетамизнинг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири сифатида фаолият бошлади.**



ДУШАНБА 2



Профилактика муносабати билан душанба, 2 март куни «O'zbekiston телерадиоканали» ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

- 14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Тахлилнома».
15.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Баҳор».
15.55 «Ватанпарвар».
16.35 «Бир кун».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Стандарт ва сифат».
«Болалар сайёраси»:
17.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.50 ТВ - анонс.
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
18.40 «Олтин мерос».
18.50 «Очун».
19.00 «Камолот оstonаси».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.

- 19.30 «Ахборот». /рус/.
20.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
20.45 «Ватанимни қуйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Саробга айланган ибодат».
21.55 «Қиш сонатаси». Т/с.
23.05 «Иқлим».
23.10 «Уруш олови». Б/ф. 1-қисм.
24.00 - 00.05 Тунги наволар.

YOSHLAR

- 7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Наврўзой». В/ф.
8.00 «Олтин тупроқ».
8.10 «Ишқ жодуси». Т/с.
9.40 «Шарқ гўзали».
9.45 «Келажақ эгалари».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Тасвир ва таассурот».
10.50 «Урик гуллаганда».
11.00 «Мўъжизавий дунё».
11.45 «Ассалом, баҳор!».
11.50 «Нафосат олами».
12.00 «Гул ифори». Т/с.
12.50 «Олтин тупроқ».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Уйимдаги фаршам».
13.30 «Ешлар майдони».
14.00 «Шаҳзоданинг кўшиги». Т/с.
14.45 «Шарқ гўзали».
14.50 «KINOMANIYA».

- 15.30 «Келажақ интилиб».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
17.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги тенгдошим».
17.15 «Қишлоқ ва таълим».
17.25 «Шарқ дарвозаси».
17.30 «Тақлир оиласи». Б/ф.
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ жодуси». Т/с.
20.20 «Баҳор гулдастаси».
20.25 «Ўзбегим матолари».
20.45 «Ешлар баҳори».
20.50 «Шаҳзоданинг кўшиги». Т/с.
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Тошкент оқшони».
22.35 «Қишлоғимиз қаҳрамони».
22.45 «Хаёт-мамот». Т/с.



- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультсериал: «Кукрангли сичқонча ва хумбош мушук». 21-қисм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.20 «Тошкент-2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес - «Пойтахт».
19.25 «Музыка SMS».
19.45 «Анонс».


- 19.50 «Саломат бўлинг». /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 «Анонс».
20.25 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.55 «Интервью» /рус/.
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Анонс».
21.55 «Уйларим».
22.00 «Телекурьер - маркет».
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.50 «Кино SMS со звездами».
22.55- 00.40 Кино: «Если свекровь монстр».



- 7.00 «Талкин».
7.30 Футбол. Европа чемпионилар лигаси. «Арсенал» - «Рома».
9.00 «Версия».
9.30 «Малахов +».
10.30 Футбол. «Манчестер юнайтед» - «Тоттенхэм».
12.05-13.05 «Профринг».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркавал авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Национальные игры Японии.
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».
19.45 Лыжный спорт.
21.50 Интерфутбол.

TV-MARKAZ

- 07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаш ийўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «4400»
10.20 Ўзбек наволари
11.30 «Матрица-3» худ. фильм
13.35 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаш ийўқ»
15.30 Мультфильм
17.00 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ИЙЎҚ»
19.00 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «4400»
22.20 Комедия по понедельникам: «СМОКИНГ» худ. фильм
00.00 Миксер



- 06:30 Тонги дастур
07:30 Парламент соати
08:00 «Яхши кайфият»
08:30 «Сўғдиёна»
08:50 НТТда «Еркин орузлар»
9:30 Шарқ мусикаси
09:40 «Қутилмаган томоша»
10:00 НТТда ўзбек киноси
11:30 Киноконцерт
11:40 Болалар соати
12:40 НТТда «Севги изтиробрлари» сериали
13:10 Хужжатли экран

- 14:10 Яхши кайфият»
14:10 Ретро мусика
14:20 «Сўғдиёна»
14:40 Клип-антракт
15:00 «Ешлар» студияси
15:30 Оилавий экран
17:00 Болалар соати
18:00 Парламент соати
18:20 Ватан мадҳи
18:30 «Ешлар» студияси
18:50 Клип-антракт
19:00 НТТда ўзбек киноси
20:30 «Худуд»
20:50 Ватан мадҳи
21:00 «Еркин орузлар»
21:40 «Сўғдиёна»
22:00 «Қаширлар макони»
22:40 «Яхши кайфият»
23:10 «Қутилмаган томоша»
23:30 Кечки кинозал

СофТС

- 08:00 Сериал «Ранетки»
08:50 Сериал «Папины дочки»
09:20 «Мир в твоей тарелке»
10:10 «Мужской портрет»
11:00 «Мир в твоей тарелке»
11:25 «Друзья моего хозяина»
11:50 Программа «Незвездное детство»
12:15 «6 Кадров»
12:40 Сериал «Папины дочки»
13:10 Музыка
13:25 «Мир в твоей тарелке»
14:15 «Мужской портрет»
15:05 Сериал «Рыжая»
15:55 «Мир в твоей тарелке»
16:20 «Друзья моего хозяина»
16:45 Программа «Незвездное детство»
17:10 «Истории в деталях»
17:35 Сериал «Папины дочки»
18:05 «Галилео»
18:30 Программа «Незвездное детство»

- дное детство»
18:55 «6 Кадров»
19:20 Сериал «Рыжая»
20:10 Сериал «Папины дочки»
20:40 Сериал «Ранетки»
21:30 «Истории в деталях»
21:55 «6 Кадров»
22:20 «Музыка»



- 5.00 «Доброе утро».
9.00 Новости.
9.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение.
9.30 Малахов +.
10.25 Модный приговор.
11.25 Контрольная закупка.
12.00 Новости.
12.15 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ».
13.20 «Детективы».
14.00 Другие новости.
14.25 Понять. Простить.
14.50 Новости
15.15 «ОГОНЬ ЛЮБВИ».
16.10 «Давай поженимся!».
17.00 Федеральный судья.
18.00 Вечерние новости.
18.15 Жди меня.
19.10 Т/с «СЛЕД».
19.55 «Богатая и любимая».
21.00 Время.
21.30 Премьера. «Группа Zeta».
22.30 Жизнь по вертикали».
23.30 «Познер».
0.30 Ночные новости.
0.50 Гени и злодеи.
1.20 Х/ф «Белые люди не умеют прыгать».
3.00 Новости.
3.25 Х/ф «Белые люди не умеют прыгать». Продолжение.
3.25 Фильм «Однажды в Токио».

СЕШАНБА 3




- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Баҳор қайтмайди».
В/ф.
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ - анонс.
8.35 «Олам ва одам» дастури: «Олдузинг тугилиши».
9.25 «Изхор».
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Покахонтас». М/с.
9.55 «Ғила, Изла, Топ!»
10.35 ТВ - анонс.
10.40 «Тезкор хабарлар».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
11.50 «Ахборот». /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Қиш сонатаси». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ойдин хаёт». Токшоу.
15.00 - 16.00 «Маънавият» дастури.
16.00 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Худудлар хаёти».

- «Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
18.45 «Наврўз наволари».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Одамлардан бири».
21.50 «Қиш сонатаси». Т/с.
23.00 «Иқлим».
23.05 «Уруш олови». Б/ф. 2-қисм.
23.55 - 00.05 Тунги наволар.

YOSHLAR

- Кадри телетомошбонлар! Профилактика муносабати билан 3 март куни «Yoshlar» телеканалда ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Yoshlar» салони.
15.00 «Камолот».
15.10 «Тошкент 2200 ёшда».
15.15 «Олтин тупроқ».
15.25 «Ассалом, баҳор!»
15.30 «Келажақка интилиб».

- 15.55 «Зумрад баҳор».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Афсона ва ҳақиқат».
16.50 «Шарқ гўзали».
16.55 «Тошкент таронаси».
17.00 «Давринг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.30 «Телевизорни учирини унутманг». Б/ф.
18.45 «Ешлар баҳори».
18.55 «Кўклам парвози».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ жодуси». Т/с.
20.20 «Урик гуллаганда».
20.25 «Автопатруль».
20.45 «О, баҳор!»
20.50 «Шаҳзоданинг кўшиги». Т/с.
21.40 «Табассум қил!»
21.50 «UzEX».
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Футбол-2009».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчилиги».



- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультсериал: «Кукрангли сичқонча ва хумбош мушук». 22-қисм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.20 «Тошкент-2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Эсмеральда». Телесериал.
19.20 Бизнес - «Пойтахт».
19.25 «Музыка SMS».
19.45 «Анонс».
19.50 «Химоя».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 «Тошкент-2200» /рус/.
20.25 «Милагрос». Телесериал. /рус/.
20.55 «Репортаж».
21.05 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.55 «Уйларим».
22.00 «Телекурьер - маркет».
22.15 «O'zbekiston» тақдим этади: «Хаттолик санъати».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.50 «Кино SMS со звездами».
22.55- 00.10 Кино: «Источник». Премьера/.

- 7.00 «Хабарлар» (ўзбек, тилида)
7.20 Футбол. Европа чемпионилар лигаси. «Реал» - «Ливерпуль».
9.00 «Хабарлар» (рус тилида)
9.25 «Малахов +».
10.20 «Тет-а-тет».
10.30 Каратэ. Ўзбекистон чемпиони.
11.10 - 12.45 Футбол. Чемпионат Италия. «ИНТЕР» - «Рома».
\*\*\*
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Футбол мундиал».
ди, катта илмий ходим Г.С.Ап-расиди томонидан кўпгина маҳаллий ва хоржий олимларнинг янги илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, 2007 йилдан буён Ўзбекистонда сотувга чиқариляпти. «Гепатитга қарши» фиточойи таркибида биологик фаол моддаларнинг мавжудлиги билан бошқалардан фарқланади. У организмда иммуногенезни кучайтириб, сафро ва пешоб ҳайдаш, қонни тозалаш, шамоллашга қарши курашиш, турли аллергия тошмаларни даволаш хусусиятларига эга. «ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ» фиточойи ошқорон ости безларини тиклаб, унинг тизим фаолиятларини нормаллаштиради, модда алмашув жараёнларини тартибга солиб, қанд даражасини камайтиришда ишлатилади. «БЎҚОҚҚА ҚАРШИ» фиточойи термаси таркибида кўп миқдорда йод, ошловчи моддалар, фитонцидлар ҳам мавжуд. «ВАЛЕП» фиточойи эса асаб тизимини тинчлатириб, неврозни тўхтатади. Артериал босимни тушириб, юрак уришини тартибга солиди, аритсияга ижобий таъсир кўрсатади. «БРОНХО-УПКА» (нафас олиш йўллари даволовчи) фиточойи таркиби аччиқ шувок, қора маржон, қизил мия, наъматак, минерал тузлар, кумаринлардан ташкил топган бўлиб, у антисептик, шамоллашга қарши, йўтални юмшатиш хусусиятларига эга. «ГИПОТЕНЗИВ» (қон босимини туширувчи) фиточойи термаси асаб тизимини тинч-

## НАБОТОТ ОЛАМИ



лантирадиган, пешоб ва энгил сафро ҳайдайдиган, умумий мустаҳкамлаш, тетиклаштириш хусусиятларига эга. Шунингдек, «РОПИТ» қоннинг елим шакли ва қуюқланишини пасайтириб, қон айланишини яхшилайти ва асосан гижжаларга қарши востиса фиточойи организмни гижжа-қуртлардан тозалайди. «СОДЕТ» ҳам барча фиточой турлари сингари, таркибига киритилган компонентлар мақсадли бўлиб, асосий вазифаси бавосил касаллигини даволашдан иборат. «ДЕКУГОХ» (сийдик-таносил аъзолари, простатит, аденома, циститни олдини олувчи ва даволовчи) таркибидаги махсус биологик фаол бирикмулар пешоб ва сафро ҳайдаш, шамоллашга қарши, қон тозалаш, юмшоқ гипотензив, антисептик оғриқни тўхтатадиган хусусиятларига эга.

— Мухлисларимизга ушбу шифобахш чойдан қандай фойдаланиш ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Ҳар бир фиточой усти маҳкамланган махсус қутичаларда бўлиб, уларнинг ичида 2,5 гр.дан ўлчаб солинган ўнтадан кичик пакетчалар мавжуд. Бир пакет (2,5 гр) йиғмани термосга солиб, устидан 0,5 литр қайнаган сув қуйилади ва бир соатча дамлаб қўйилади. Кун давомида термосда сақланади. Бир кун давомида 100 гр.дан беш маҳал, уч марта овқатланишдан 20-30 дақиқа олдин, икки марта овқатланиш оралиғида ичилади. Ушбу фиточойни республикамизнинг барча дорихоналаридан топиш мумкин.

Мухлиса МУҲИДИНОВА,  
«Оила ва жамият»  
муҳбири.

**(Боши ўтган сонларда)**

— Ана, бошланди! — Руқия «айтаб-мидим!» дегандек Салимага маъноли қараб кўйди. — Қаёқда эдинг? Ким билан бўлдинг? Нима қилдинг? Вой, сизнинг зугумларингиздан тўйиб кетдик-ку! Кимга дод деймиз энди, кимга? Бизга кун берасизми-йўқми? Пичок суска етди — тамом! Уйимизни бўлиб қўйинг ёки жавобимизни беринг!..

Салима муштира келин ролини ўйнаётган Руқияга кулимсираб қараб турар, фақат Маъмура опа тасавуридаги қайнонага ўхшамас эди. Руқиянинг бундай хурмача қилиқлари, ногоҳ ўзини яқин олиб, ҳадди сиғишини ошқорча пинасиди қилиши янгилик бўлмасда, Маъмура опа бир зум таажжубланди-ю, ўйга толди:

— Жа-а димогинлар чоғ, кайфинглар тароқ?! Нима бало, отволдингларми?

— Топдингиз! Отдик! — Руқия кўзини сузди-ю, ширакайф одамдек хонада ўзича гандирақлаб юриб, халтадаги нозеъматларни жавонча устига ола бошлади. — Э аттанг, Салима! Ҳалиги захри қотилнинг қолганини оловласан бўларкан. Ёки гиз этиб чиқиб келсаммикин-а?

— Салимаҳон, нима гап ўзи? — деб сўради Маъмура опа бетокат бўлиб.

«Хайрият, тепадан овозимизни эшитмабди, аммо барибир тўғри-сини айтиш керак», деб ўйлади Салима ва тезроқ опани тинчитгиси келди.

— Янгибой аканинг хонасида озгина ўтириб, кўшиқ эшитиб чиқдик.

— Гапиргандан кейин охиригача айтиш керак-да! — Каравотида худди эркаклардек астойдил чордона қурган Руқия тиззасига шапатлаб уриб кўйди. — Мени тиззасига ўтказиб, эркалагани эсингиздан чиқдимми?

— Ҳалимжон ҳам бор эди, доирасини чертиб турди, — деди Салима Руқиянинг аллақачон чиғирқидан чиқиб кетган ҳазилига эътибор бермай. — Янгибой ака катта ашулани бунчалик яхши айтди деб ўйламоқчим.

— Кўшиқ, санъат яхши нарса, — деди Маъмура опа худди ўз-ўзига гапиргандек шифтга тикилиб. — Кўнгилинг чигили ёзилади. Онам раҳматлик сибизга чалиб, эртак айтарди. Оҳанги ҳалиям кулоғимда. Бунақасини бошқа эшитмаганман. Эндиги аёллар эртак уёқда турсин, боласига алла айтишнаним дурустроқ эплломайди. Аллани айтган ҳам, эшитган ҳам губордан покланади.

Алладан бошқа гаплар Салиманинг кулоғига кирмади. Чукур ўйга толди: «Алла! Қачон мен ҳам бешикка бағримни бериб, алла айтарканман! Уша кунга етармикиман?!» Ҳаёлига урилган биринчи аламли савол шу бўлди.

Хар каллада турфа хил хаёл дегандай, шу тобда Руқиянинг фикру зикри бутунлай бошқа ёқда эди.

Айниқса, бояги вақтичогликдан сўнг кўнгилда шубҳа-ҳадик билан ётгиси келмас эди. Яна эски одатини ишга солди: — Келинлар, навбат билан латифа айтишамиз! — Руқия ўзидан бошқа ҳеч ким латифа айтмаслигини билса-да, йўлига шундай деб кўйди.

— Майли, ўзингиз айта қолинг. — Салима ҳам энди бир лаҳза жиддий-эзгин хаёллардан қалчигиси келди.

— Бўпти, эшитинглар. Бошлайверайми, Маъмура опа? — Руқия ўсмоқчилаб сўради.

— Айтаверинг, кулоғим сизда, — деди Маъмура опа жойига қайта ёнбошларкан.

— Кулоғингизни пишириб ейманми? «Свежийроқ» бўлганда бир нав эди.

Салима ўзини тўтолмай пиқиллаб қулиб юборди. Маъмура опа индамади. — Хўш, кулоқдан гап кетди — шундан бошлай қолай. Афанди сартарош экан. Бир одамнинг сочини олаётиб, кулоқ керамини, деб сўрапти. Керак эмас, деган экан, мана, керак бўлмасда деб, шартта кесиб, иргитворипти. Иккинчи кулоғига келганда, яна сўрапти. Бечора шоша-пиша: «Керак!» депти. Мана, ке-

рак бўлса ишлатинг деб, иккинчи кулоқниям кесиб, қўлга тутказибди. Қалай, қизиқ эканми? Унда нега кулмадинглар? Энди бошқаси: Бир хотин уч яшар ўғли билан ҳаммомга кирипти. Бола мундоқ қараса...

— Бошқасини айта қолинг, — Салима кескин ҳолатда гапини бўлди.

— Хай майли, аммо-лекин энг қизиқ жойида тўхтатдингиз-да. Аслида ўзингларнинг хаёлларинг бузук. Кампирнинг дарди гўзада экан-да? Хўш, яна айтмайми?

— Раҳмат, бугунча шунисиям етади, — деди Маъмура опа ва тескари ўгирилиб, устига чойшаб тортиди. — Энди ухлайлик, кеч бўлиб қолди. Ҳамшира оғохлантриб юрмасин.

Салима ўрнидан туриб, чироқни ўчирди. Жойига ётди-ю, алламаҳалгача безовталаниб, ухлай олмади. Боши ёстиққа тегиши билан пинакка кетган Руқияга хайрату афсус билан қараб

**Шодмон ОТАБЕК**

бирига ўхшаш, бу ерда касалхонадаги каби қатъий интизом бўлмас-да, хар қалай маълум бир тартиб-қоида бор. Салимага ўхшаб кун санаб, интиқ-интизор бўлиб юрганлар учун вақт тошбақадек имиллаб ўтади. Ҳеч бўлмас шу ерда кундалик ҳаёт ташвишларидан қалғиб, озгина ўйнаб-қулиб қолиш пайига тушганлар эса доволаниш муддати қачон ва қандоқ тамом бўлганини ҳам сезмай қолишади.

Руқия ана шундай тоифага мансуб. Салимага ўзи мақтанди: бу гал ҳам кетиш вақти яқин қолганда «тўсатдан тоби қочиб», касаллик варақаси очтиради ва яна беш-олти кун «бемалол яйраб» юради. Ҳаммасини Собир ўзи тўғрилайди, шифохона ошпазига иши тушмайдиган кимса йўқ! Қолаверса, ўзиям энди «отнинг қашқаси» бўлиб қолди. Уйига шошиб нима зарил, иш ўлгур сираям тугамайди, унганча ўзимиз тугаймиз...

Кейинги кунларда Руқия яна Салимага қовоқ-тумшук қилиб, зимдан ўқрадиган, мавриди бўлса-бўлмас киноя қилиб, қакиб оладиган қилиқ чиқарди. Унингча, бу ердаги қиз-жувонларнинг кўпчилиги қаланги-қасанги! Энг сараси, кетворгани — ўзи! Янгибой эса йигитларнинг гули! Демак, иккови бир-бирига муносиб! Аммо бу ношукур аллақандай «қисир сигир»нинг қош-қовоғига қараб ўтирипти. Тавба, бунинг нимасига учдийкин? Билмайдики, бунақалар кўлиниям ушлатмайди. Тамшаниб-ютиниб яна ўзининг олдига бош эгиб келади. Келмаганига кўймайди.

Салима: «Сизга нима бўлди? Нега бунақа қиласиз?!» дея орани очик қилгиси келади, аммо, сабаби ўзига маълум бўлгани учун индаёлмайдди, бу ҳақда оғиз очишининг ўзи ноқулай. Ажабо, у нима гамад-ю, Руқия нима хаёлда?! Қаёқдан ҳам ўша кунга тепага чиқа қолди? Ахир Руқиянинг ўзи қўярда-қўймай судраб чиқди-ку! Яна димоқ-фирок қилгани ортиқча.

Тўғри, ўша кундан бошлаб Янгибой уни гоҳ ошқорча, гоҳ зимдан кузатиб, мулоқотда бўлишга интилар, боғдами, ошхонадами ёки муолажага навбатда туришгандами — қаерда бўлмасин, бирон бахона топиб, ёнига ўтирар, сўхбатга чорлар, албатта кўпроқ ўзи гапирар эди. Салима дастлаб атрофдагилардан, одамларнинг гап-сўзидан ҳадиксираб, асаби таранг бўлиб юрди. Кейинчалик ортиқча хавотир учун асос йўқлигига ишониб, ўзича тинчланди. Назарида, эркак-аёл, қиз-йигитнинг ўзаро муомала-мулоқоти икки хил бўлади: тўғриликча ва эгриликча! Ўзининг аҳён-аҳёнда Янгибой билан бўладиган тасодифий мулоқоти, албатта, тўғриликча! Руқиянинг Собир билан алоқаси, шубҳасиз, эгриликча! Бу ҳам камлик қилгандай, унинг Янгибойга кўз сузиши... Салима буни нима деб аташни билмайди. Фақат хар гал шу ҳақда ўйлаганда: «Ўғри бўл, фар бўл, инсоф билан бўл!» деган нақл эсига тушаверади.

Янгибой билан Ҳалимжон ҳамон сўлим ёз оқшомлари боғда томоша кўрсатишни қанда қилишмайди. Салима ҳам энди олдингидай ортиқча бегонасираб, тортинмайди. Гоҳ бир ўзи, гоҳ бошқа қиз-жувонларга қўшилиб, даврда рақсга тушади, шу билан озми-кўлми, кўнгили ёзиб, дилгир ўй-хаёллардан фориг бўлгиси келади.

(Давоми бор)

**КЎШИҚСЕВАРЛАР РЕКОРДИ**

Жанубий корейлик Ким Сун-Ок исмли қиз қароқеда роппа-роса 76 оқат тинимсиз кўшиқ қуйлаб, бу борада жаҳон рекордини ўрнатди ва ўз исмининг Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилишига эришди. Ушбу йўналишда



аввалги рекорд америкалик хаваскор кўшиқчи Маркус Лэпраттга тегишли эди. Унинг натижаси — 75 оқат.

Ким Сун-Ок Сеулдаги караоке-барлардан бирода кўплаб томошабинлар кўз олдига 1283 та кўшиқни уч суткадан зиёдроқ қуйлаб турди. «Рекордлар китоби» қондаларига кўра, у хар кўшиқ орасида 30 сония, хар соатда эса дақиқа танлафус қилиш имконига эга бўлган. Ким Сун-Ок бундан ҳам кўпроқ вақт қуйлаши мумкин эди. Аммо, бу ҳолдан ташвишга тушган ота-онаси кўшиқсевар қизни зўрга тўхтатишди. Ахир, шунча муддат тинимсиз қуйлаш қизнинг соғлигига салбий таъсир қилмайди деб ким қафолат берарди? Хар ҳолда инсон саломатлиги жаҳон рекордидан анча қимматлиги.

**ЛИМОНЛАР ФЕСТИВАЛИ**

Ҳозир Ментонда айни лимон етиштириш палласи ва бунинг учун энг қулай иқлим шароити мавжуд. Шу боис Монако ва Италия ораллигидаги бу кичик шаҳарча лимонлар пойтахти деган номга ҳақли даъвогар.



Хар йили феврал ойида бу ерда ҳақиқий лимон фестивали бўлиб ўтади. Шаҳар аҳолиси уч ҳафта давомида сариқ ва шафқранг лимонлардан ҳосил бўлган эртаклар оламини мафтун бўладилар. Мириқиб лимонхўрлик қилиша-



ди, лимонадлар ичшади. Айниқса, лимонлардан терилган мўъжизавий ҳайкалчалар, безатилган машиналар, қурилган қаорлар томошаси, ёқимли француз куй-қўшиқлари барчага бирдек завқ беради.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади





# Бешинчи Фасл

«БЕШИНЧИ ФАСЛ»га келган хатларнинг иккитаси эътиборимизни тортди. Бири Бухородан, бири эса Жиззахдан эди. Уларнинг ҳар иккисиди

ҳам МУҲАББАТ отлиғ улуғ туйғу туйфайли тақдири боғланган инсонларнинг юрак изтироблари ва қувончлари акс этган эди.

✓ БИР МАВЗУДА ИККИ МАКТУБ

## БИРИНЧИ МАКТУБ

Сизларга хат ёзишга ундаган нарса севгилим билан иккимизнинг пешонамизга битилган аламли қисматдир. Холида билан бир тумандимиз. Ўқиш баҳонасида танишиб қолиб, қанча қаршилик ва тўқинликларни енгиб, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган эдик. Лекин, на илож, тақдир экан, ўртаимизда фарзанд бўлмапти. Ишонасизми, бир-биримизга бир лаҳза яшолмаслигимизни аңлаб, 14 йилдан буён сабр-қаноат қилиб келишимиз. Бу айтишга осон, дардимиз ичимизда, нима қилайлик, чидаямиз, мўъжиза кутаямиз. Дўхтиру табиблар ҳам қолмади, иккимиз ҳам соппа-соғимиз, аммо...

Меънинг уйдагиларим ҳам, уникилар ҳам роса насиҳат қилишди. Ҳатто унинг акалари келиб, «куёв, хафа бўлма, синглимизнинг зурдасиз ўтишини хоҳламаймиз, шунинг учун жавобини беринг», дейишиб, у кўнмасаям йиғлашиб олиб кетишди. Бир ҳафта ўтгач, у яна қайтиб келди. «Акамлар ҳам рози, сизни майли, уйлансин, ўз бахтини синаб кўрсин, зора юзи ёруғ бўлиб кетса, сен эса бориб-келиб турсан, кейин ўйлашиб кўраимиз» деди. Бу гапларни икковимиз ўзимизча ўйлаб кўрдик ва...эртага узил-кесил ҳал қиламиз, деб уйдагиларни ишонтирдик ҳам, қани ким биринчи бўлиб «айрилиқ» деган даҳшатли йўлни танлашни кутдик. Бир кун ўтди, икки

кун ўтди, охири, ишонасизми, у нима дейди: «Бегим, майли, мен розиман, сиз уйланг, ҳовлиғизнинг бурчагидаги кулбачада ўзим яшайвераман, фақат сизни кўриб турсам бўлди, менга ҳеч нарса керакмас».

Кеча кечқурун яна қариндошлар йиғилиб, бизнинг «масала»ни муҳокама қилишди. Ҳатто менга бир болали жувон ҳам топишибди. Ўша кунни ярим тунгача уйга келмадим. Онам бечора кўча бошида мени кутиб тирган экан, менлигимни таниди-ю: «Болажоним, мен мингдан минг розиман, пешонамга шу қизим битилган экан, йўқ, энди у ҳеч қасққа кетмайди, вассалом, мен эрталаб уйдагиларига айтаман», деганини эшитиб, бизларни тушунган омажонимни маҳкам кучоқлаб йиғлаб юбордим...

Нима дейсиз, бизлар айримай тўғри йўл тутдик деб биламан, сизлар-чи?

ДАВРОН

Асли самарқандликман, Жиззахга келин бўлиб тушганимга йигирма йилдан ошди. Ўтган йилларни энди эсласам, онам раҳматликнинг бир гапи ёдимга тушаверади: «Қизим, онани тошдан яратган, деса ҳам ишонаман. Мана, саккиз фарзанднинг орасида олти қизимнинг бахтини, тинчини ўйлаб сочим оқарди». Энди ўйлаб кўрсам, онамнинг ярим сочи менинг тақдиримни ўйлаб оқарган экан. Нега десангиз...

Опам кўшини қишлоққа келин бўлиб тушганидан кейин менгаям совчилар кела бошлади. Отамнинг тоғаси Фозил амаким Жиззахда яшарди. Борди-келдимиз яхшилиги боис у кишининг фарзандлари ҳам бизлар билан аҳил эди. Совчилар серқатнов бўлиб қолганини эшитган тоғам менга ўртанча ўғлидан совчи бўлиб ўзи келди. Аввалига онамдан гап сўрашибди. У киши одатдагидай «отаси нима деса шу-да», деб жавоб берибди. Хуллас, орадан кўп

## ИККИНЧИ МАКТУБ


ўтмай эл қатори тўйимиз ҳам бўлиб ўтди...

Шу орада уйдагиларим, опам ва аммавлар келиб кетишар, етти-саккиз ой ўтаётган бўлса-да, «янгилик» бўлмаётганидан хавотирга тушишарди. Хўжайиним оғир ва босиқлиги учун бундай гап-сўзларга эътибор ҳам бермасди. Охири бир ярим йил ўтгач, ота-онам уйимизга меҳмон бўлиб келишди ва икки ўртанча жиддийроқ гап очилганини овсинларимдан бири мен-

га айтиб қолди. Шу кунни кечқурун эримни ҳам тоғам билан отам ёнларига чақирди. Анчагина мулаҳаза бўлиб қайтганидан сездимки, ундан ҳам сўрашган. Чунки шу кунни кечаси онам билан анча маҳалгача гаплашиб ётдик ва фарзандимиз бўлмаётгани ҳақида қишлоқдаям гап чиққанини, қариндош — уруғлигимиздан тортиб, балки иккимиздан биримиз бепушталгимизгача айтилаётган экан. Шунда онам бир гапни айтди: «Болам, эрингни ўқитма, ҳеч қачон юзигаям солма, қачон ўзи биринчи бўлиб ажралаш ҳақида гап очса, кейин ўйлаб кўр. Эракни норизо қилган аёлнинг бахти ҳеч қачон бутун бўлмайди!»

Тўғри, онагинимнинг шу бир оғиз ҳикматли гапини эшитганимча, биласизми, мени қанча аёллар нима қиласан, бу билан умрингни ўтказиб, барибир ундан бола бўлмасмиш», деган гапларни айтиб йўлдан уришган эди. Сабр қилдим, бирон марта умр йўлошимнинг юзига тик қараб гапирган аёл эмасман. Қаранг, Оллоҳнинг қарам қанчалар кенг экан, бераман деса, ҳар қандай бойлик-давлатдан зиёда бўлган ФАРЗАНД ато қиларкан. 12 йил деганда икки ўғил, бир қиз кўрдим! Минг бора шукр қиламанки, биринчи ўғлимни онам раҳматлик бешикка ёруғ ниятлар билан белаб берди, бахтли кунларимни кўриб кетди!

Қўйсинвой ШАРИПОВА.



14 февраль кунни коллежимизда дарслар тугагач, уйимга қайтиб, кечқурун касалхонага — онамни кўрган кетдим. Телефонимга уч-

## У ЖИМ, МЕН ҲАМ...

тўрт марта СМС келди. Тўғриси, кўнглимга ҳеч нарса сизмаётгани учун очиб, ўқимадим. Чунки, онам бечора оғир дард билан азоб чекаётган эди. Кеч соат ўн бирларда уйга қайтаётсам, мен билан анчадан бери сирдош бўлиб қолган Гуллола телефон қилиб: «Бехзод, мен сиздан жуда хафаман. Байрам билан бир

оғиз табриклашгаям қурбингиз етмади-я?» — деса бўладими? «Қанақа байрам экан у?», — деб сўрадим. «Шуниям билмасизми, се-

вишганлар куну-ку», — деди, менам чидолмадим: «Маълум бир кунни белгилаб севадиган аҳмоқ ошиқ эмасман», — дея жавоб бердим. Жаҳли чиқиб, телефонини босиб қўйди. Шундан бери жим. Мен ҳам кўнғироқ қилмаяпман.

БЕҲЗОД.

Тошкент шаҳри.

## ҚАЕРДАСИЗ, ДЎСТГИНАМ?

Кеча туш кўрибман. Тушимда анҳор бўйида ўтирган эканман. Бир пайт анҳордан сизнинг суратингиз оқиб келибди. Ҳарчанд уринсам ҳам суратингизни тута олмабман. Эрталаб туриб, сиз ҳақингизда яна ўйлаб бошладим. Қаерларда экан? Ҳозир нима иш қилаёпти? Ишлари яхшимикан?

Ўйлаб қарасам, сиз билан танишганимизга ҳам 10 йил бўлибди. Ўшанда иккимиз ҳам 16 ёшда эдик. Пойтахтта фан олимпиадасига боргандим.

— Қаердасиз?

— Сирдарёдан.  
— Ўзингиз-чи?  
— Фарғонадан, — дедингиз.

Танишдик, суҳбатлашдик. Бир кун ўтиб, олимпиада тугади ва биз хайрлашдик.

— Мен сизни Жаҳон тиллари университетида кутаман. Иккалаимиз бир курсда ўқиймиз, — дегандингиз.

Лекин мен бошқа университетда ўқидим. Сиз билан учраша олмадик ҳам. Сиз-чи, овоз беринг, қаердасиз?

ФАРАНГИЗ,

Сирдарё вилояти.

Яқинда кўлимга қизиқ бир китоб тушиб қолди. Унда шарқ халқлари орасида кенг тарқалган аънаналар, урф-одатлар ҳақидаги турли хил афсоналар ва асотирлар билан бирга “кўҳна шарқ илми” деб аталувчи Фэн шуй деган таълимот хусусида сўз боради. Бу таълимотга кўра одамларни таваллуд санасига қараб, бешта унсур ҳомийлик қилиши ва шундан сўнг турли гуруҳларга ажратилиши аниқланади. Деярли икки йиллик фурсат оралигида туғилганларнинг ҳаёт йўли, табиати ва қисмати маълум бир унсур “бошқариб”, умрининг охиригача унга шерик бўлиши қайд этилган.




**ТИЛСИМОТ**

Уларнинг ошиқлиги ҳам ўзига хос ва гоёт мафтункор: даста-даста чиройли гуллар, такинчоқлар, ресторанлар... Аммо узоқ вақт бирга бўлишга сабрлари етмайди — қандай тез “ёнган” бўлсалар, шунча тез “ўчиб” қолишади: “Хайр, яхши қол, эй, дилбарим”, деганларидай...

**АЁЛЛАРИ** эса кўзга тез ташланадиган ташки кўриниши гўзал ва турли сайру саёҳатларга ўчлиги билан ажралиб туради. Текис йўлда ҳам қоқилиб кетиш ёки йўқ жойдан жанжал-ғавго чиқариш уларга хос. Айниқса, ўзларига ортиқча бино қўйганликлари боис уйда бека сифатида ушлаб туриш гоёт мушкулроқ. Бундайлар хиёнат қилишга мойил. Агар кўнгли-

# СЕН—СУВ БЎЛДИНГ, МЕН—ОЛОВ...

Фэн шуй таълимотида бу унсурлар — **ЖЕЗ**, **СУВ**, **ДАРАХТ**, **ОЛОВ** ва **ТУПРОК** эканлиги айтилади. Биз бу билан ҳар бир инсон тақдирини бевосита уларга боғлиқ экан, деган тушунчага урғу бермоқчи эмасмиз. Негаки, биз ўзимизни Одам Ато ва Момо Ҳаво авлодлари эканлигимизни билганимиз ва Яратувчимиз ҳам ягона Тангриликка кўнглимизда мутлақо шубҳа йўқ. Лекин бевосита Шарқда маълум бўлган бундай тадқиқотлар билан ҳам танишиб қўйсак, зарар қилмайди деган умидда ушбу унсурларга тааллуқли тақвим ва уларнинг шарҳини эътиборингизга ҳавола этаялмиш. Ва яна илова қилинаётган ушбу жадвалда қай унсур вакиллари бир-бирига мос жуфтлик эканлиги ҳам келтирилган.



**Дарахт**  
03.02.54 — 11.02.56  
13.02.64 — 20.01.66  
23.01.74 — 30.01.76  
02.02.84 — 08.02.86

**ЭРКАКЛАРИ** бировлар ҳар доим ўзига “ха, балли, баракалла!” деб туришларига эҳтиёж сезади ва ҳушомадгўйларини жуда ёқтиради.

**АЁЛЛАРИ** эса ташки кўринишларига кўпроқ эътибор берадилар ва бу уларни кибрликка, ўзларига ортиқча бино қўйишга олиб келади. Охир-оқибат табиий гўзалликларини йўқотиб, дуч келган “ошиқлари”га алданиб юришади. Ута ишонувчан ва янгиликларга ҳам камданкам интилишади.

**ОЛОВ**

Бу унсур вакиллари ўз номига муносиб равишда жуда ҳаракатчан. Аксарияти яққаоқимлик мақомини маҳкам ушлашади ва юқори мансабларни осон қўлга киритишади. Жаҳллар бирунларнинг учиди туради ва билиб ё билмай, бировни сабабсиз ҳафа қилиб қўйишлари ҳам мумкин, лекин бунинг англаганларидан сўнг кечирим сўрашга тушадилар.

**Олов**

12.02.56 — 17.02.58  
20.01.66 — 29.01.68  
31.01.76 — 06.02.78  
09.02.86 — 16.02.88

**ЭРКАКЛАРИ** муҳаббат бобида кўпам ўйлаб ўтирмайди ва кутилмаганда юрагини очади-кўяди.

ни “овлай” олсангиз ҳатто уй-жой, бола-чақасиниям ташлаб, дунёнинг нарига бурчагига ҳам кетаверди, фақат ундан қутулиш муаммага айланади.

**ТУПРОК**

Вазминлик ва хотиржамлик ушбу унсурга мансуб деб топилганлар одамларнинг энг қадри хусусиятлари саналиб, уларни айниқса, раҳбарлар ва ниҳоят,



қайноналар кўпроқ қадрлашади. Энг оғир вазиятларда ҳам “тупроқ” соҳибларига бемалол ишониш ва суяниш мумкин.

**Тупроқ**  
18.02.58 — 27.01.60  
30.01.68 — 05.02.70  
07.02.78 — 15.02.80  
17.02.88 — 26.01.90

**ЭРКАКЛАРИ** анча кеч ўйланишади. Ўз жуфтларини топиш учун жуда узоқ ўйланиб, мулоҳаза қилишади ва энг асосийси, аёллари билан бир умр тинч-товув яшайдилар. Фақат хиёнатгина ҳаётларига раҳна солиши мумкин.

**АЁЛЛАРИ** эса анча оғир ва босиқ, ташлаб кетган муҳаббатига “аза” очиб, сочини юлаётган дугонасининг қайғусини мутлақо ҳазм қилолмайди. Унинг учун бу беш кунлик дунёда муҳаббатдан ҳам муҳимроқ ташвишлар кўп: оила, болачақа, иш, рўзгор...

**СИЗ ҚАЙСИ УНСУРГА ТЕГИШЛИСИЗ?!**

- Жез** — 08.02.40 — 14.02.42
- Сув** — 15.02.42 — 24.01.44
- Дарахт** — 25.01.44 — 01.02.46
- Олов** — 02.02.46 — 09.02.48
- Тупроқ** — 10.02.48 — 16.02.50

Ва у шу ҳолда давом этаверади:

**БУ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?!**

**ЖЕЗ**

Ёхуд “темир” деб атаса бўладиган унсур эгалари қатъинчи ва жиддий феъл-атворли, бой тасаввур ва ишқий муносабатларга мойилроқ бўлади. Улар ўз қадр-



қимматларини яхши биладилар ва шунга муносиб даражада иззатталаб ва мақсадларига оғишмай интилишади.

**Жез**

- 17.02.50 — 26.01.52
- 28.01.60 — 04.02.62
- 06.02.80 — 24.01.82
- 16.02.80 — 24.01.82

**ЭРКАКЛАРИ** ўз жуфтлари кутганчалик яхши ва самимий таассурот қолдира олишга қодир ва ҳар доим аёллар эътиборини қозонишга интилувчан бўлишади.

**АЁЛЛАРИ** эркаклар билан очикча муомала қилишни ёқтирадилар, мабодо агар севиб қолишса, кўпам ўйлаб ўтирмай, турмуш қуришга розилик билдиради ва садоқат бобида бошқаларга ўрнатилган бўлиб яшашига ҳаракат қилади. Севгисини қадрламаган бевафо эркак учраб қолса борми, шартта воз кечади ва қанча уринманг, ортга қайтаролмайси. Бундай тоифадагилар эркакларни ўзларига мафтун этишга қизиқшади, шу билан бирга ҳамёнини “қуритиш”ни хуш кўрадилар...

**СУВ**

Табиатда сув мангу ҳаракат ва узоқ-

**Сув**

- 27.01.52 — 02.02.54
- 05.02.62 — 12.02.64
- 16.01.72 — 22.01.74
- 25.01.82 — 01.02.84

**СУВ ЭРКАКЛАРИ** санъатга ошуфта, чиройли ва сирли гапиришади. Ўз устунликлари ва омадларига маҳлиё бўлган ҳолда, мақтов ва ҳушомадга берилгани боис суҳбатдошининг ўзидан кам эмаслигини ва унинг ҳам ўзига яраша муаммо-ташвишлари, қизиқишлари борлигини пайқашмайди ёки атайлаб шундай қилишади. Унинг ишқ-муҳаббат бобидаги қараш ва тажрибалари кўпроқ ўқиган китоб-журналлари ҳамда ошна-оғайниларининг ўзаро суҳбат-гаплари орқали шаклланади. Ўзига кўпам ишончи йўқлиги боис шундай йўл туттишади.

**СУВ АЁЛЛАРИ** эса озгинликка мойил, рўзгорбоп. Севги-ишқ бобида жуда эрта “уйғонишади”. Агар чинакамига севиб турмушга чиқсалар, эрларига гоётда садоқатли бўлишади.

**ДАРАХТ**

Улар ниҳоятда дид-фаросатли ва ўзларини кўпроқ яхши кўришади. Даб-даба ва ортиқча тавозени ёқтирибгина қолмай, балки ҳар доим омманинг диққат-эътиборида бўлишга ўчидир. Қолаверса, мақтаниш бундайларнинг доимий одати ҳам.

## БИР-БИРИНГИЗГА МУНОСИБМИСИЗ?!

**АЁЛЛАР**

Э	ЖЕЗ	СУВ	ДАРАХТ	ОЛОВ	ТУПРОК
ЖЕЗ	Тенг-теги билан, кучли жуфтлик! Ҳам-касаба.	Бу оилада хотин-устамон! Оилавий муносабат муътадил.	Уларнинг иттифоқи барқарор. Аммо эрдан кўнгли тўлмайди.	Бу жуфтлик оила қуришга етиб бориши мушкул. Ошиқ ўта рашкчи.	Мустаҳкам оила! Эрига тоғеб, аммо, турмуши бир текис кечади!
СУВ	Ажойиб жуфтлик! Мурасасозлик яхшида!	Бу оила тинч-ахил! Дастурхонлари тўкин бўлмаса-да, мехмон аримайди!	Бу жуфтлик романтикага мойил. Келин-куёвлик завқи узоқ давом этади!	Агар эр лаллайган бўлса, хотин оилани бемалол бошқара олади. Эр ҳам бундан шод!	Эр учун хотини уйда кийиладиган буюмдай, аёли шунга кўнса — олам гулистон!
ТУПРОК	Сув аёл Тупроқ эрни сиқиб, сувини ичсам дейди. Эр эса фақат сабрга суянади.	Эр гўзал ва дидли хотини билан фахрланади. Ишқий муносабатлари зўр!	Мустаҳкам оила! Эр хотини учун қалқон. Аёл эр кўнгли эрқаси!	Хотин — дарё, эр — бўйра! Бу оилага кўнгли-сизлик — ёт, ахил яшашади.	Зеркиш бу оилага хос эмас! Ажралиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкинмас.
ОЛОВ	Агар аёл ақлли бўлиб, эрини “қайта” тарбиялашга уринмаса бўлди, тинч яшаб кетади.	Аёл шоиртабиат эри учун илҳом париси. Фойдали маслаҳатлари эрига даромад келтиради.	Бу жуфтлик номуносиб. Аёл пайраха қаби тез ёнади, аммо эрини зериктиради.	Улар бир-бирларини ардоқлашса, тинч яшаб кетишади. Майда жанжаллар тез-тез юз бериб туради.	Ибратли оила! Аёл рўзгорни гулла-тади, эр эса майда-чуйдаларга бурун тикавермайди.
ДАРАХТ	Икки кўнгли уй-ғунлиги! Саранжом-сарихта. Узаро ҳурмат ҳуқмрон.	Қалтис вазиятларда иккиси ҳам тизгини қўлга олишади.	Иккиси ҳам ўз хаёлига асир. Ўзича ҳақи! Ажралиш хавфи бор.	Эр аёлини қўлида “қутариб” юради. Аёлу учун омад қалити, кутилмаган бойликлар ўз-ўзидан келаверади.	Ўта барқарор оила. Рўзгорлари бут ва ахил иноқ яшайдилар.

**ИЗОҲ:** Ушбу жадвалдан фойдаланаётганингизда ўзингиз ва жуфтингизнинг унсурлари кесишган катакда қутилаётган башорат қайд этилган. Азизлар, яна бир бор таъкидлаймиш, Фэн шуй таълимоти асосида тайёрланган бу маълумотлар билан танишгач, кўнглингизда турли саволлар туғилса, газетамизга мурожаат қилинг.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ тайёрлади.

✓ САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

# ОЁФИНГИЗ НЕГА ЯССИ?

**«Қайси болакай улғайсам аскар бўламан, ватанимга хизмат қиламан», деб ният қилмайди дейсиз. Ҳарбийга чақирилган йигитнинг орзулари бир олам бўлади. Аммо тиббий комиссия кўригидан ўтаётганда айримлар яссиоёқлиги туфайли хизматга яроқсиз деб топилади. Яссиоёқлик қандай касаллик? Унинг киши саломатлигига зарар келтирадиган жиҳатлари борми? Ушбу саволларга аниқлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар тиббий болалар маслаҳати диагностика марказининг ортопед-шифокори Ҳамроҳон АЛИҚУЛОВАга мурожаат қилдик.**

— Яссиоёқлик деб оёқ панжаси гумбази бўйлама ёки кўндалан текислиги, яссилиниб қолишига айтилади. Унинг икки тури мавжуд. Оёқ энига ясси бўлса, унинг таги энига яллаб, тана оғирлиги бармоқ тагига, қафт суякларининг бошчасига тушади. Оёқ бўйига қараб ясси бўлса, унинг таги ерга бир текис тегиб туради. Яссиоёқлик туғма ёки орттирилган бўлади.

Болаларда туғма яссиоёқлик камдан-кам бўлиб, бола вояга етиш давомида орттирилгани кўпроқ учрайди. Туғма бўлса тез кўзга ташланади. Чақалоқнинг оёқ бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолади. Туғруқхонадан чиққан захотиёқ бола ортопед куригидан ўтиб, даво чоралари вақтида кўрилиши зарур.

Орттирилган яссиоёқлик болаликда оёқ панжасига тушадиган оғирлик ундаги мушак-

лар, бойламлар ва суякларнинг кучига тўғри келмаслиги натижасида кўпроқ рахитга чалинган болаларда учрайди. Бу хасталик туфайли оёқларнинг таъин функцияси кескин пасайиб, чаноқ ҳолати ҳам ўзгаради, умуртқа поғонаси қийшайиб, ҳаракат қилиш қийинлашади. Оғир ҳолларда бола қийналиб юрадиган бўлиб қолади. Баҳор, кўз ойлари томоғи оғирса, бу хасталик зўрайиб, бола азоб чекади. Қўлларини силкитиб юргани боис тез толиқадиган бўлиб қолади.

Яссиоёқ болалар спорт турлари, айниқса, енгил атлетика билан шугуллана олмайди. Қиз бола вояга етиб, турмушга чиққач, ҳомиладорлиги оғир кечади. Йиллар ўтиб, хасталик зўрайса, бемор жарроҳлик йўли билан даволанади.

Яссиоёқлик бола беш ёш бўлгунча даволанмаса, кейин асоратлари қолади. Бу хаста-

лик кишлоқ болаларида кам учрайди. Бола тетапоя бўлгандан



ши яссиоёқ учун фойдали эканини унутмаслик керак. Шифокор буюрган махсус пойафзални кийдириш ёки пойаф-

бошлаб ёз бўйи ялангоёқ ҳовлида, тупроқли кўча-кўйда ўйнаб юриб катта бўлади. Иссиқ ерда ялангоёқ юриши, тинимсиз ҳаракати ор-



қали даволанади. Шаҳарда кўп қавватли уйда яшайдиганлар орасида бундайлар кўпроқ учрайди. Чунки кўпқавватли уйда, кам ҳаракатда, вази ҳам ёшига нисбатан оғирлашади.

— Яссиоёқни даволаш жараёнида ота-оналар нималарга эътибор бериши зарур?

— Шифокор боланинг ёши, тананинг умумий ривожланишида оёқ панжасининг қанчалик ясси эканлигини ҳисобга олиб, массаж, машқлар, даво ванналари буюради. Албатта, ота-оналар шифокор кўрсатмаларига қатъий амал қилиши зарур. Айримлар ўз билганича даволашга уринишади. Бу зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Боланинг бадантарбия билан шугулланиши, шунингдек, ёз кунлари тупроқда ялангоёқ юри-

зал ичига патак (стелька, супинатор) солиб кийдиришга эътиборли бўлиш жуда муҳим. Болалар ўтирганда, тик турган ва юрган пайтида қоматини қандай тутишини назорат қилиш ва гавдаси билан бошини ҳаммаша тўғри тутишига, букчаймаслигига, юрганда оёқ учларини икки ёнга кериб ташламаслигига аҳамият бериши керак.

Кўриниб турибдики, югуриб, сакраб, ялангоёқ ўйнайдиган, сузиш, чанги, коньки учуш жонидили бўлган болалар яссиоёқлик нималигини билмай ўсишади.

Шу ўринда ота-оналарга айтмоқчи бўлганим, фарзандининг бенуқсон улғайиши сизнинг эътибор ва парваршигингизга боғлиқлигини унутманг.

**Тамара ХУММАТОВА**  
суҳбатлашди.

ТАБОАТ ҲАЗИНАСИ

Табобатда асосан бинафша гули ишлатилади. У эскирмаган ва ранги ўзгармаган бўлиши керак.

→ Бинафшани қайнатиб, суви ичилса, қон босимини пасайтиради. Йўтал, ҳалқумда қон йиғилишидан пайдо бўлган томоқ оғриғи, ошқозон касалликлари, жигар, талок ва буйрак оғриғига даво бўлади.

→ Эзиб боғланса, шишларни ва иссиқдан пайдо бўлган бош оғриғини қолдиради.

## Бинафша



→ Ҳул гули ҳидланса, уйку келтиради.

→ Янги узилган гули истеъмол қилинса, захарни кесилда фойда беради.

→ Бинафшани эзиб бош ва пешонага қуйиб боғланса, бош оғриғига даво бўлади. Ошқозон ва жигарнинг ташқи томонида қуйиб боғланса, бу органлардаги иссиқдан юзага келган оғриқларни бартараф қилади.

→ Бинафша гулини бир кунда 23 граммгача истеъмол қилиш мумкин. Қайнатиб ичилган ҳолларда 45 грамм сув қўшиб керак.

→ Бинафша сувда кўп қайнатилса, шифобахш хусусиятларини йўқотади.

→ Шакар билан истеъмол қилинса, таъсир кучи ортади.

→ Меъёрдан ортиқ истеъмол қилинса, юракни бўшаштиради, кайфиятни туширади, ошқозонни оғир юракни беҳузур қилади, иссиқ иситмаларни келтириб чиқаради.

**Зулхумор УМАРҚУЛ** қизи тайёрлади

## САБЗИНИНГ ХОСИЯТИ

Халқ табобатида сабзининг гуллари, илдиэмеваси ва барглари турли хасталикларни даволашда фойдаланилади. Унинг таркибида эфир мойи, ёғ, флавоноидлар, минерал моддалардан натрий, калий, кальций, магний, фосфор ва темир мавжуд.

Сабзининг илдиэи ичак оғриғи, сурункали йўтал ва зотилжамга шифо бўлади. Саримсоқпёёё ва зайтун мойи билан қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилганда яхши наф беради. Сутда қайнатилган сабзи ёки унинг шарбатини томоқ бўғилганда, буйрак тошини тушириш, кўз хиралашиши ва жигар хасталиғида истеъмол қилинса, даво бўлади.

Шуниингдек, сабзи билан қадимда ҳам саратон (рак)ни даволашда фойдаланилган. Чарчоқ, иштаҳа йўқолиши, шамоллаш, тери қатламнинг қуриши, йирингли жароҳатлар, соч ва тирноқлар мўртлашганда шарбати ва унинг ўзағи-



дан тайёрланган малҳам тавсия этилади.

Янги тайёрланган сабзи шарбатидан ҳар кун наҳорда 100-200 граммдан ичилса, буйрак ва ўт қолидаги тошни туширади. Бир пиёла шарбатга бир неча қошиқ асал қўшиб, ҳар кун ичилса, ларингит ва бронхитни тузатади. Эрталабки нонуштада олма, қаймоқ ва бир пиёла сут билан сабзи берилса, болаларнинг соғлигини мустаҳкамлайди. Барглари ва илдиэмевасидан ванна қилинса, бавосилни (геморрой) даволайди.

Кўз оғриғида сабзи билан петрушка шарбатини 3:1 миқдоридан аралаштириб, кунига 2 маҳал 1 стакандан истеъмол қилинса, тузатади.

Йўтал ва сарик касалида сабзи қайнатмасидан кунига 3 маҳал 0,5 стакандан ичилади.

Бироқ ошқозон яраси яллиғланиши ва турли операциялардан кейин бирданга сабзи истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**  
доришунос.

✓ БИЛАСИЗМИ?

## ЎФИЛ КУТЯПСИЗМИ ЁКИ ҚИЗ?

- Табриклайман, аелинги-нинг кўзи ёриди!
- Уғилми?
- Йўқ.
- Унда...

Бу савол-жавоб албатта сизга таниш. Чунки ҳар бир оилали эркак шундай дамларда бу саволни беради. Ва улар биринчи туғилган фарзанд ўғил бўлишини хошлашади. Қизиги шундаки, оталар ўғилларидан кўра кўпроқ қизларига меҳр берсалар-да, лекин барибир нимагадир биринчи фарзандини ўғил бўлишини истайдилар.

Ҳомиладорлик даврида аёллар анча иримчи бўлиб қолишади. Турли хил одатлар, белгиларга қараб, ўзларини кўп нарсадан чегаралайдилар. Ана шундай ирим-сиримлар қаторида тушларга ҳам кўп аҳамият бери-

шади. Масалан, тушида ёқут кўзли зирак кўрса, қиз, ханжар ёки пичоқ кўрса, ўғил фарзанд туғилишига йўйишади. Бир дугонам учинчи фарзандига ҳомиладорлиги пайтида тушида олмос кўзлар қадалган ханжар кўриб, «икки қизимдан кейин буниси албатта ўғил бўлади», деб ишонч билан юрди. Фарзанди дунёга келган захоти доялардан «ўғилми, қизми?», деб сўраса, «чиройлиқина қизалоқ кўрдингиз», дейишлари билан у ҳушидан кетиб, анча пайтгача ўзини билмай ётган. Ҳозир эса шуларни эслаб: «Яхшим шундай қизимни туққан эканман. Ҳозир менга дастёр, қўл-оёғим бўлиб қолган», — дейди қулиб.



Мутахассисларнинг айтишича, айрим аёллар ҳомиладор бўлганидан кейин шифокор ҳузурига келиб, ўғил ёки қиз кўрмоқчилигини ва бунинг учун нималар қилиши кераклигини, бирон-бир дорилар билан боланинг жинсини ўзгартириб бўлиш-бўлмалигини сўрагани ҳақида эшитганман.

Тиниб-тинчимаган Буюк британиялик тиббиётчилар эса бунинг ҳам иложини топишибди: Компьютер орқали бўлгуси онанинг ҳомиладор бўлмасдан олдин туғиладиган фарзанднинг жинсини, расмини кўришни ихтиро қилишган, ҳаттоки туғилмак боланинг кўзи ва соч рангини ҳам аниқлаш мумкин экан.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, кузда ҳомиладор бўлган аёллар кўпинча ўғил, баҳорда эса қиз, ёш келинларда биринчи фарзанди ўғил туғилиши кузатилган. 20-21 ёшга

✓ СИНОАТ

тўлган аёллар кўпроқ қиз кўрадилар. Агар эр-хотиннинг орасидаги ёш фарқи катта бўлган аксарият ҳолатларда ўғил туғилади.

Италиялик олимларнинг таҳлилларига кўра, озгин аёллар кўпроқ қиз кўрса, тўлаларнинг эса ўғил борасида омадлари қопади. Уларнинг фикрича, аёлнинг вазни туғиладиган боланинг жинсига боғлиқ экан.

Булар олиб борилган тадқиқотлар асосидаги ҳаётини кузатишлар. Улар қанчалик ҳақиқатга яқин ёки уларга ишонини ўзингизга ҳавола. Ўғил ёки қиз кўришдан қатъий назар, шуни билингки, сиз кутаётган фарзанд энг ақлли, чиройли ва меҳрибон бўлади. Бунга албатта ишонинг!

**Диляфрўз КАРИМОВА**

**Яқинда бекатда турсам, «узонлиги 40 сантиметрдан кам бўлмаган табиий сочни 50.000 сўмга сотиб оламиз» деган эълонга кўзим тушиб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин бозор иқтисодиёти-да, одамлар нималарни ўйлаб топишмайди-я, демак, эҳтиёж бор экан, ёзишган деб ўйладим. Мен қатори бошқа йўловчилар ҳам ҳалиги ёзувни ўқигач, кулиб қўйишар, баъзилари эса қайта-қайта кўз югуртириб, ўзларича нималардир деб нари кетишарди.**

## СОЧ СА(В)ДОСИ



Очиги, шу эълонни кўргач, соч олувчилар ва маълум микдордаги пул эвазига ўз сочини сотадиганлар ҳақида ўйлаб бошладим. Бозорларда сотиладиган ясама, улама сочларнинг шундай сотиб олинган сочлардан тайёрланишини эшитган эдим, лекин, кимлар ва нима сабабдан ўз сочини сотиши ҳақида тасаввурга эга эмас эдим. Хуллас, шундайлардан бири билан суҳбатлашдим.

— Мен ҳам сиз айтган эълонлардан бирини ўқиб, телефон қилдим. Чунки сочим жуда узун, тўпигимга тушар эди. Улар айтган пулга қизиқиб, сочимни кесиб сотдим. Ҳозир яна ўшандай ўсди, — дейди пойтахтимизнинг Сергели тумани, 6-даҳа, 8-уйда истиқомат қилувчи Муборак Жўраева.

Кимдир пулга қизиқиб, яна биров зарурат туфайли сочларини пуллаши тўғри, аммо, сотиб олинган сочлар қаерда ва қандай шароитда, қайси мақсадда фойдаланилади? Сотилган

сочлардан тайёрланган маҳсулотлар қай даражада сифатли ва бунга ким кафолат бераолади? Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани хизмат кўрсатиш шохбчасига қарашли «Шарм» сартарошонаси ходимларига мурожаат қилдик.

Уларнинг айтган жавобларидан кўнглимиз тўлмади. «Биз сотиб олган сочларни кўпинча шундайлигича топшириб юборамиз. Агар зарур бўлиб қолса, ўзимиз тайёрлаймиз. Аввало, сочларни яхшилаб ювиб ва уни шакллارга келтириб оламиз. Сўнгра текис бўлиши учун дорилар қўямиз. Масалан, калта ёки қолган сочлар бўлса, ундан соч учун керакли ҳар хил зақолкалар ясаймиз, — дейди Янгибод бозори ёнидаги гўзаллик саломи ходими Малика Мирбобоева.

Шу ўринда яна бошқа ҳақли саволлар ҳам туғилади: Сочдан ясалган бу тўгноғичлар қандай шароитда тайёрланган? Тозалик ва гигиена қоидаларга риоя қилинганми? Умуман, турли шароитларда ясалган бундай соч безакларининг саломатликка таъсири йўқми?

Тиббиёт фанлари номзоди Қахрамон Аҳмедов изоҳи:

— Ҳозир бутун дунёда соч тўкилиш муаммоси кишиларни ташвишга солаётир. Соч тўкилишининг ҳам бир неча турлари мавжуд. Бири наслга алоқадор бўлса (бу фан тилида андрагенетик аллапация дейилади) бу соч тўкилиш турини даволаш жуда қийин кечади. Баъзиларда бошининг тепа қисмида тангадек бўлиб соч тўкила бошлаши кузатилади. Бундай соч тўкилишини даволаш осон кечади. Соч тўкилиб кетган аёллар шундай юрломдайлар. Улар турли хил парик-

### МУЛОҲАЗА

лар, шинион, яъни улама сочлардан фойдаланишади.

Биз сўз юритмоқчи бўлган улама сочлар — «парик» деб аталиб, уларни таёқнинг икки томониغا ўхшатиш мумкин. Бир томонидан уланса, иккинчи томони турғун қолади. Унда на ўсиш бор ва на тўкилиш... Парикларнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар сунъий ва табиийга бўлинади.

Парикларни олишда ва совға

қилишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Борди-ю, бировга тухфа қилинган бўлса, ўша одамга тўғри келмай, акс таъсир кўрсатади. Масалан, бировнинг паригини кийганда унинг мижози бунга тўғри келмаса, сочини тўкиб юбориши мумкин. Бунинг сабаби парик билан соч реакцияга киришганда генларнинг ўзaro бир-бирига тўғри келмаслиги тажрибада исботланган.

Булар мутахассиснинг фикрлари.

Ҳаётда кузатилган сунъий сочларга бўлган эҳтиёж, парик истемолчилари ёки «парикчилар»ни пайдо қилади. Зарурат туғилганда кўпчилик мутахассиснинг фикрларини муҳим деб ҳисоблайди. Қолаверса, касб тақозосига қўра, парик тақадиганлар бор. Уларнинг таклиф ва талабларини инобатга олиб, мутахассислар парик тақишдан аввал унинг келиб чиқиши, қандай сочдан тайёрлангани, ўзининг сочига, бош терисига мос ёки мос эмаслигини суриштиришлари керак. Ясама сочни таққанда бир ой давомида қандай таъсир этиши кузатилади. Унинг яна бир тури бу сунъий толалардан тайёрланганларидир. Улар ҳам худди табиий парик сингари таъсир кўрсатса-да, лекин уни амалда бир ой давомида тақиб, синаб кўриш керак.

Айтмоқчи бўлганимиз, баъзиларнинг наздида соч сотиш ҳам, улама соч ҳам арзимаган мавзу бўлиб кўринар. Аммо соч аёлларимизнинг ярим хусни, кўрки. Унинг табиийлигига ҳеч нарса қийслаб бўлмайди. Айрим аёллар ўша табиий сочлари бўлмагани учун сунъий сочларга эҳтиёж сезади. Ким чиройли кўрингиси келмайди, дейсиз. Фақат ҳар қандай гўзаллик тозалик асосида бўлса, унинг қадри яна ҳам ошади.

Лутфия СУЯРОВА,

«Оила ва жамият» мухбири.

### ОЙДИН БЕКАТ

Хуршид ДАВРОН,  
Ўзбекистон халқ шоири.

#### АФСУН

Хоҳ кеча, хоҳ кундуз этма мунтазир,  
Лабимда иситгин киприкларингни,  
Мени севгин.

Бўғзимни гулларнинг куйига тўлдир,  
Қушларга уя қил менинг бўғзимни,  
Мени севгин.

Қўлларинг чирмашсин бамисли сеҳр,  
Эркалаб-эркалаб ўлдиргин мени,  
Мени севгин.

Сокин тушларингга сен мени яшир,  
Ҳеч кимга ҳеч қачон бермагин мени,  
Мени севгин.



**ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA»**  
мижозлари ва ҳамкорларига  
қуйидаги суғурта турларини  
тақдим қилади:

- Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;
- гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;
- транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;
- йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;
- кредитларни суғурта қилиш;
- тадбиркорлик таваққалчиликларини суғурта қилиш;
- лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг нахта экинидан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.

ОАЖ «AGRO INVEST SUG'URTA» —  
бизнесда энг ишончли ҳамкор!

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс),  
273-74-69, 273-74-59

### КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

**Расул ҲАМЗАТОВ:**  
Ишқимга бўлай иқроп:  
Мен юз қизга шайдоман!

**БЕГОНА БОЛАНИНГ БЕДАВО ДАРДИ**  
Мен шифокорман. Ўрта ёшлардаги эрхотин олти ёшли боласини олиб келибди. Текширдим ва ... кўзлари ёниб турган болакайга қарадим... даҳшатга тушдим!

### АЁЛНИ АНГЛАСАК...

Олимларнинг айтишларича, аёлларнинг ЛУФАТ БОЙЛИГИ эркакларга нисбатан ОЛТИ МАРТА КўП экан. Афсуски, аксарият «заифа»лар бу ноёб қобилиятларини жамиятга фойда келтириш учун эмас, аксинча, ЭРларини тергаш учун сарф этишаркан.

#### ИҚРОП

ёхуд самарқандлик муаллимга мактуб

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.	<b>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</b>		<b>ОБУНА ИНДЕКСИ</b> – 176
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тوشига топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 16:00	<b>Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20</b>	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> Тошкент – 700000 Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 12445 Навбатчи — Санобар ФАХРИДИНОВА Саҳифаловчилар — Илхом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусаҳҳих — Саидгани САЙДАЛИМОВ
<b>E-mail: oilavajamiyat@mail.ru</b> <b>oilavajamiyat@rambler.ru</b>	<b>Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46</b>	<b>Web-site: oilavajamiyat.uz</b>	ISSN 2010-7609
	Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.		2 3 4 5 6 7 8